## ФЕРМЕРНИНГ ҲУҚУҚИ ТИКЛАНДИ

**...Айрим пайтларда тадбиркорлик субъектларининг ишига тўсқинлик қилиш, улар билан тузилган шартнома шартларини асоссиз равишда бажармаслик ҳоллари ҳам учрамокдаки, бунинг натижасида анчагина сарсон-саргардонликлар юзага келмоқда.**

3 бет

## ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ АСОСИ

**Ўз суверенитетини эълон қилган ҳар қандай замонавий давлат олдида, аввало, суверенитетни конституциявий асосда мустаҳкамлаб қўйиш зарурати пайдо бўлади. Ўзбекистон Республикаси ҳам суверенитетга эришгач, ўзининг мустақил давлат мақомини Конституциявий асосда мустаҳкамлашга киришди.**

5 бет

# Huquq

Mustaqillik huquq demakdir

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2009-yil 3-dekabr, №49 (674)

*Ифтихор*



Мамлакатимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қабул қилинганлигининг 17 йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Мазкур Конституция инсон, унинг ҳаёти, озодлиги, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқларини олий қадрият сифатида тан олувчи суверен демократик давлат барпо этишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Босиб ўтилган йўлга назар солар эканмиз, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, ўтган тарихий қисқа давр мобайнида мамлакатимизда конституциявий меъёрлар ва тамойиллар ҳаётга татбиқ этиш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тўлиқ таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан илгари сурилган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар сирасида алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур Қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси беш йил муддатга сайланадиган 150 нафар депутатдан ташкил топиши белгиланди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, қуйи палата депутатларининг 135 нафари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқи асосида ҳудудий бир мандатли сайлов округларидан кўппартиявийлик асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар.

Шу билан бирга, 15 нафар депутатлик ўрни ўтган йилда мамлакатимизда ташкил этилган Ўзбекистон Экологик ҳаракатига

**Рашитжон ҚОДИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори**

# КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУНЛАР — ЖАМИЯТ ВА ШАХС МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИДА

"Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили асосида жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларини ривожлантириш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимларини такомиллаштириш босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ислоҳотларнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш муҳим аҳамият касб этган бўлса, ҳозирги кунда олдимизда турган устувор вазифалардан бири уни такомиллаштириш ҳамда замон талабларига мослаштириш ҳисобланади.

Бунда асосий эътибор сиёсий тизимни янада ривожлантириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш, процессуал иш юритишни такомиллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими ва жиноий жазоларни либераллаштириш, ўта хавфли жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтиришга қаратилмоқда.

Хусусан, жорий йилда 10 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, уларга кўра сайловлар тўғрисидаги, жиноят, жиноят-процессуал, маъмурий жавобгарликка оид қонунчилик ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва қўллашни амалга оширувчи органлар фаолиятини тартибга солувчи бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мутлақо янги ўзгартишлар мажмуи киритилди.

2009 йил 1 июлдан кучга кирган "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ажратилган бўлиб, депутатлик ўринлари квоталарининг бундай тарзда тақсимланиши аҳолининг барча қатламлари манфаатларига бевосита тааллуқли бўлган табиатни муҳофаза қилиш ва фуқаролар соғлиғини сақлаш масалаларининг ўта долзарблиги билан изоҳланади.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланадиган шахсларга қўйиладиган талаблар, ушбу ҳаракатдан депутатларни сайлаш тартиби ҳамда уларнинг парламентдаги фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар тартибга солинган.

2009 йил 14 январда қабул қилинган "Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга кўра суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш ҳақидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи меъёрлар такомиллаштирилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси $198^1$ ва $198^2$-моддалар билан тўлдирилиб, уларга биноан қарздор томонидан ижро ҳужжатини узрли сабабларсиз бажармаслик билан бир қаторда, қарздорнинг даромадлари ва мулклари тўғрисида нотўғри маълумотлар тақдим этиш, ижро ҳужжатини йўқотиш, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан ундириб қолиш ҳақидаги ижро ҳужжатларини рўйхатга олиш, сақлаш ва ижро қилиш тартибини бузиш, шунингдек, қарздорнинг янги иш, ўқиш ҳамда нафақа ва бошқа даромадларини олиш жойи ҳақида хабар қилмаслик ҳам маъмурий ҳуқуқбузарликлар қаторига киритилди.

Шу аснода Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ҳам тегишли ўзгартишлар киритилди.

Ушбу кодекснинг 232-моддаси илгари суд ҳужжатларини қасддан бажармаслик ёки уларни бажаришга тўсқинлик қилиш учун фақаттина мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини назарда тутган бўлса, мазкур модданинг янги таҳририга кўра, ҳар қандай шахс суднинг маълум ҳаракатларни содир қилиш ёки қилмасликни юкловчи ҳужжатларини маъмурий жавобгарликка тортилганидан сўнг бажармаслиги ёки уларни бажаришга тўсқинлик қилиши жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Маъмурий жавобгарликка оид қонунчиликка киритилган янги меъёрларни қўллаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментини ва унинг ҳудудий тармоқлари ваколатига киритилганлиги алоҳида аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари, Суд ижро департаменти бундан буён вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни ва ота-онани моддий таъминлашга бўйин товлаш, суд қарорини бажармаслик, шунингдек, банд солинган мол-мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш билан боғлиқ ишлар бўйича суриштирув органларининг ваколатларидан фойдаланади.

Ўйлайманки, қонунчиликка киритилган ушбу ўзгартишлар яқин келажакда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш борасида қонунийликнинг таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади, суд ижрочилари фаолиятининг самарадорлигини оширади, натижада фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси кафолатланади.

Ўтган давр мобайнида жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилди.

2001 йил 29 августда "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши билан Жиноят кодекси $66^1$-модда билан тўлдирилиб, унга кўра, жиноят содир қилган шахснинг жабрланувчи билан ярашиши муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиниши асослари белгилаб қўйилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мазкур институт амалга киритилганидан буён 100 минг нафарга яқин шахс ярашув муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинган бўлиб, ушбу кўрсаткич умумий судланганларнинг 25 фоизини ташкил этади.

(Давоми 2-бетда)

*Мурувват*

**Меҳр-оқибат халқимизга хос фазилат. Ҳол сўраш, кўнгил олиш эса энг яхши удумларимиздандир. Бу қонунларимизда ҳам ўз ифодасини топган. Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ва қонуности ҳужжатларида уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доир вазифалар белгилаб қўйилган.**

# КЎНГИЛ МАЛҲАМИ

Туман прокуратураси томонидан бу борада қилинган ишлар ўрганилиб, таҳлил қилинди. Барча ногиронлар тиббий кўрикдан ўтказилиб, рўйхатга олинган. Ижтимоий таъминот бўлими кекса ва ёлғиз ногиронларга хизмат кўрсатувчи 28 нафар ходимни бириктириб қўйган. Ногиронларга белгиланган тартибда нафақалар тайинланиб, сиҳатгоҳларга бепул йўлланмалар бериб борилган. Ногиронлик аравачалари, қўлтиқтаёқ ва ҳассалар, эшитиш ва ортопедия мосламалари топшириб турилган.

Болаликдан ногиронлар алоҳида эътиборга муҳтож. Жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган 72 нафар ўқувчига уй шароитида якка тартибда таълим бериш йўлга қўйилган. Улар парта ва ўқув қуроллари билан таъминланган. Ўтган йил Ногиронларни ҳимоя қилиш куни арафасида халқ таълими бўлими, касаба уюшмалари кенгаши ходимлари ногирон ўқувчиларга 1,7 миллион сўмлик спорт кийимларини совға қилиб топширишди.

Туманимизда Чернобил атом электр станциясидаги ҳалокатни бартараф этишда қатнашган, ногирон бўлиб қолган 60 нафар фуқаролар истиқомат қилишади. Улар соғлиқларини тиклашлари учун 5,2 миллион сўм товон пули олишган. Сиҳатгоҳларга йўлланмалардан фойдаланмаганлари учун уларга жами 20,2 миллион сўм товон пули тўланган.

(Давоми 6-бетда)

# КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУНЛАР — ЖАМИЯТ ВА ШАХС МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Шу қаторда, жабрланувчилар билан жиноят содир қилган шахслар ярашиши ҳолатларининг йилдан-йилга ўсиб бориши тенденцияси кузатилмоқда. Жумладан, 2002 йилда ярашув муносабати билан 8,7 минг нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 21,8 мингтага етган.

Ярашув институтига кўра жавобгарликдан озод қилинган шахсларнинг асосий кўпчилик қисми тузалиш йўлига ўтган. Ушбу давр мобайнида бу тоифадаги шахслар томонидан камдан-кам ҳолатлардагина такроран жиноят содир қилинганлиги бунинг яққол тасдиғидир.

Айнан шу сабабли, ижтимоий хавфлилик даражасига кўра Жиноят кодексининг 66$^{1}$-моддаси таъсирига тушувчи жиноятларга ўхшаш бўлган бошқа жиноятларга нисбатан ҳам ярашув институтини татбиқ этиш масаласи мунтазам равишда кўриб келинди.

Жумладан, ушбу модданинг дастлабки таҳририда унда кўрсатилган 33 та жиноят таркибидан бирортасини биринчи марта содир қилган шахс, агар ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни қопласа жиноий жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган эди.

2004 йил 27 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни билан ЖКнинг 66$^{1}$-моддасида қайд этилган жиноятлар рўйхати кенгайтирилиб, уларнинг сони 40 тани ташкил этди. Шу билан бирга, модданинг фақатгина биринчи марта жиноят содир этган шахслар ярашганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги тўғрисидаги талаби оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар жиноий жавобгарликдан озод қилинмаслиги ҳақидаги талаб билан алмаштирилди.

2009 йил 3 апрелда "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66$^{1}$-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши муносабати билан қуйидаги жиноий қилмишларга ҳам ярашув институтини қўллаш имконияти пайдо бўлди:

зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш (138-модданинг биринчи қисми);

хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш (143-модда);

меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш (148-модда);

электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш (185$^{2}$-модда);

ўзбошимчалик (229-модда);

тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларини бузиш (256-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари);

меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш (257-модданинг биринчи қисми);

тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш (258-модданинг биринчи қисми);

ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш (259-модданинг биринчи қисми);

безорилик (277-модданинг биринчи қисми).

Шундай қилиб, бугунги кунда қонун унча оғир бўлмаган ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган 55 та жиноят таркиби бўйича шахсларни ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш имкониятини беради.

Автомобилларнинг давлат рақамларини ноқонуний равишда қўлга киритиш ҳолатларининг кўпайганлиги қонунни қўллаш амалиётида маълум бир муаммоларни келтириб чиқарди.

Бу соҳадаги қонунчилик амалиётини ўрганиш ИИВ идоралари томонидан 2006-2008 йилларда 4,3 мингта давлат рақамлари номаълум шароитларда йўқотилганлиги ҳолатлари қайд этилганлигини кўрсатди. 32 та ҳолатда эса давлат рақамларининг ўғирланганлиги бошқа жиноятлар тергови жараёнида аниқланган.

Хусусан, ички ишлар идоралари томонидан шахсий автомашиналарга аввал фуқаролардан ўғирланган автомашина давлат рақамларини ўрнатган ҳолда босқинчилик содир этилган бир қанча жиноятлар тергов қилинган.

Ўз ўрнида, автомашинанинг давлат рақами ўзганинг мулки ҳисобланмаганлиги, яъни у ваколатли давлат идораси томонидан автомашина эгасига унга эгалик қилиш даврига бериладиган (транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси, лицензия каби) қатъий ҳисобдаги рақам бўлганлиги учун уни ўғирлаганлик Жиноят кодексининг 169-моддаси таъсири доирасига тушмаслигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Шу муносабат билан, жорий йилнинг 8 сентябрида "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 227-моддасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида" Қонун қабул қилиниб, унга асосан, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг қатъий ҳисобидаги ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни эгаллаш билан бирга автомототранспорт воситаларининг ва улар тиркамаларининг (ярим тиркамаларининг) давлат рақам белгиларини эгаллаш, худди шунингдек, уларни нобуд қилиш, яшириш, уларга шикаст етказганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

Электр ва иссиқлик энергиясидан, газ ҳамда ичимлик сувидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун шахсларни жавобгарлигини белгилашда қонунчиликда сезиларли бўшлиқлар мавжуд эди.

Жумладан, Жиноят кодексининг 185$^{2}$-моддаси 1-қисми диспозициясида фақатгина газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ҳамда электр, иссиқлик энергияси, табиий газ ва сувни ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш учун жавобгарлик назарда тутилган эди.

Амалиётда бу электр ва иссиқлик тизимига ноқонуний уланган шахсларнинг ҳаракатларини ўзбошимчалик сифатида (Жиноят кодексининг 229-моддаси) малакаланишига олиб келган, ваҳоланки, бу қилмишнинг жиноятнинг объекти ва объектив томонидан бир-биридан сезиларли равишда фарқланади.

Бу Жиноят кодексининг 10-моддасида белгиланган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципининг бузилишига сабаб бўлган.

Ушбу бўшлиқ 2009 йилнинг 15 сентябрида Қонун қабул қилиниши билан бартараф этилди, шунингдек, мазкур Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига ҳам ўзгартиришлар киритилди.

Фуқароларни малакали юридик хизматдан фойдаланишлари учун етарли шароит яратиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Бу борада, ўтган йилнинг 15 сентябрида қабул қилинган Қонун билан Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига ўзгартиришлар киритилиб, жиноят процессида ҳимоячи сифатида фақатгина адвокатнинг иштирок этиши мумкинлиги, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари фақат адвокат билан бир қаторда иштирок этиши мумкинлиги белгиланганлигини эслатиб ўтиш жоиз бўлади.

Амалиёт бу талабларнинг юқори самарадорлигини ва фуқароларга кўрсатилаётган юридик хизмат сифатининг ошишига сабаб бўлаётганлигини кўрсатди.

Ушбу йўналишдаги яна бир муҳим қадам Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 11 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши бўлди.

Ушбу модданинг аввалги таҳририга асосан, фуқаролик процессида адвокатлар билан бир қаторда тарафлар, учинчи шахслар томонидан танланган шахслар, биргаликда иштирок этувчилардан бири бошқа иштирок этувчиларнинг топшириғи бўйича шартнома асосида (ихтиёрий) вакил бўла олишлари қайд этилган эди.

Аммо ушбу тартиб, Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига ўхшаш ҳолатда фуқароларнинг Конституция билан белгиланган малакали юридик хизматга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини ҳар доим ҳам таъминламас эди.

Шуларни эътиборга олган ҳолда судларда ишларни юритишда вакил сифатида фақатгина адвокатларнинг иштирок этиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича судларда адвокатлар билан бир қаторда бошқа фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар рўйхати аниқ кўрсатилди.

Янги қонунга кўра бундай шахслар тоифасига қуйидагилар киритилган: насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган ёки ён шажара бўйича қариндошлар, шунингдек, эр (хотин) ёхуд уларнинг қариндошлари; юридик шахсларнинг ходимлари - шу юридик шахсларнинг ишлари бўйича; нотижорат ташкилотларнинг ваколатли вакиллари — шу ташкилотлар аъзоларининг ишлари бўйича; қонунга биноан бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилган нотижорат ташкилотларнинг ваколатли вакиллари; биргаликда иштирок этувчилардан бири бошқа иштирокчиларнинг топшириғи бўйича; ишни кўраётган суд томонидан ишда жисмоний шахсларнинг вакиллари сифатида қатнашишга рухсат берилган шахслар.

2009 йилнинг 22 сентябрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу Қонун қабул қилинишидан олдин шу йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Республикасининг "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлигини қайд этиш зарур.

Жумладан, мазкур Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, корхоналарнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ шубҳали операциялари тўғрисидаги ахборотни ёхуд бошқа маълумотларни тақдим этиш тижорат, банк сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни бузиш ҳисобланмайди.

Ушбу қоидадан келиб чиққан ҳолда, 2009 йил 22 сентябрдаги қонунга асосан "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги, "Банк сири тўғрисида"ги Қонунларга ҳамда бу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи бошқа қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Фуқаролик кодексига киритилган ўзгартишларда омонат дафтарчаси ва омонат (депозит) сертификатида эгасининг номи ёзилган бўлиши кўзда тутилган. Бу қоида корхоналарнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларини амалга оширишда юридик ва жисмоний шахсларнинг тенглаштириш мажбуриятидан келиб чиқади.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг шубҳали операциялари тўғрисидаги ахборотни тақдим этишда ташаббускорлик тизимининг жорий этилиши, шунингдек, молиявий назорат механизми ўзгарганлиги муносабати билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи янги 179$^{3}$-модда билан тўлдирилди.

Ушбу моддага мувофиқ, махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳақидаги ахборотни тақдим этмаслик ёки тақдим этиш муддатларини бузиш, ички назоратни ташкил қилиш, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни қонунда белгиланган ҳолларда ёхуд махсус ваколатли давлат органининг кўрсатмасига биноан тўхтатишга доир чора-тадбирларни кўрмаслик, худди шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш муносабати билан тижорат, банк сирини ва қонун билан қўриқланадиган ўзга сирни ташкил этувчи маълумотларни ғайриқонуний равишда талаб қилиш, олиш ёки ошкор этиш энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қонунчиликка киритилган қатор ўзгартишлар идоравий назоратни кучайтиришга қаратилган бўлиб, бу жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизими билан қамраб олинган корхоналар доирасининг кенгайиши ҳамда ички назорат қоидаларини ташкил этиш тартибининг ўзгариши билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 17 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни истеъмол бозорига сифатсиз ёки яроқсиз дори воситалари ва тиббий буюмлар кириб келиши ҳолатларига қарши курашиш ҳамда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган.

Шуни айтиш керакки, қайд этилган қонун қабул қилингунига қадар қонунчиликда сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш учун жавобгарликни назарда тутувчи биронбир норма мавжуд бўлмаган.

Натижада бундай ҳаракат содир қилишда айбдор шахсларни жиноий жавобгарликдан тортишда турли хил амалиёт шаклланди. Бу эса, ўз навбатида, сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситалари ёхуд тиббий буюмлар муомаласига қарши курашиш борасидаги чора-тадбирлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатди.

Эндиликда қонунчиликдаги ушбу бўшлиқ тўлдирилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 165$^{1}$-модда билан тўлдирилди, унга кўра сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилган ҳолда, энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Маъмурий жазо қўлланилганидан кейин шундай ҳаракатлар содир этганлик учун эса, юқоридаги қонунга мувофиқ Жиноят кодексига киритилган 186$^{3}$-модданинг 1-қисми билан энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилади.

Мазкур модданинг иккинчи-тўртинчи қисмларида бу жиноятнинг айбдорга нисбатан беш йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллашга сабаб бўлувчи таркиби назарда тутилган.

Қонунчиликка киритилган юқоридаги янгиликлар халқимизнинг Конституцияда билдирилган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда давлат суверенитети принципига содиқлигини яна бир исботлайди.

Юқорида билдирилган фикрларим якунида, Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзларини келтирмоқчиман: "Юртимизда замонавий демократик давлат ва жамият қуриш бўйича Конституциямизда белгилаб берилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш борасида эришилган муҳим натижаларни муносиб баҳолар эканмиз, бугунги кунда демократик ислоҳотлар ва жамиятни либераллаштиришни изчил ва босқичма-босқич давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш жараёни ўзининг аниқ ва равшан марраларига эга бўлиб, ҳаётимизда бошланган туб ўзгартиришлар албатта ўз мантиқий якунига етказилади, деб айтиш учун барча асосларимиз бор".

**(«Халқ сўзи» газетасининг 2009 йил 2 декабрь сонидан олинди)**

# ФЕРМЕРНИНГ ҲУҚУҚИ ТИКЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги Қарори билан қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантириш, аграр сектор самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий корхоналар барпо этиш, аввало ёшларнинг бандлигини таъминлаш, қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури тасдиқланган эди.

Дастурда тегишли чора-тадбирлар, уларни бажариш муддатлари, молиялаштириш манбалари ва амалга ошириш механизмлари ҳамда бевосита масъул ижрочилар белгилаб қўйилган бўлиб, айни пайтда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни изчил чуқурлаштириб бориш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, тадбиркор-у ишбилармонлар манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бироқ, айрим пайтларда жойлардаги тадбиркорлик субъектларининг ишига тўсқинлик қилиш, гоҳида эса улар билан тузилган шартнома шартларини асоссиз равишда бажармаслик ҳоллари ҳам учрамоқдаки, бунинг натижасида анчагина сарсон-саргардонликлар юзага келмоқда.

Мисолларга мурожаат қилсак: Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида фаолият юритаётган "Ҳожиакбар Суннат" фермер хўжалиги Асака банкдан олган кредит маблағлари ҳисобидан "Чорванаслхизмат" МЧЖ корхонаси билан 2007 йил 10 сентябрь куни тузилган шартномага асосан, 2008 йил 10 майда Германиядан 57 млн. 395 минг сўмга 13 бош наслдор, йирик шохли қорамоллар олиб келади. Фермер хўжалигининг кредитни тўлаб бериш имконияти йўқлиги боис, 2007 йилнинг 21 ноябрида "Сўқоқ-сут булоғи" фермер хўжалиги билан моддий ёрдам кўрсатиш шартномаси тузилади. 2008 йил 21 майда эса, ушбу шартномага қўшимча шартнома тузилиб, унга кўра, "Ҳожиакбар Суннат" фермер хўжалигининг 13 бош қорамоли 3-сонли ҳисоб-фактурага асосан "Сўқоқ-сут булоғи" фермер хўжалиги ҳисобига ўтказиб берилади.

Шундан сўнг, "Сўқоқ-сут булоғи" фермер хўжалиги чорва молларини суғурта қилиш мақсадида "Ўзагросуғурта" Давлат акциядорлик суғурта компаниясининг "Пойтахт суғурта" шўъба корхонасига мурожаат қилади ва 2008 йилнинг 29 майида корхона билан 13 бош қорамолни суғурталаш бўйича шартнома тузади. Ушбу шартномага кўра қорамоллар 57 млн. 395 минг сўмга суғурта қилиниб, шу куннинг ўзидаёқ тегишли тўлов шартномасига асосан 2 млн. 66 минг 220 сўм маблағ суғурта мукофоти учун тўлаб берилади.

Аксига олиб юқорида кўрсатилган қорамоллардан 6 таси касалликка чалиниб қолади. Улар мажбуран сўйилиб, умумий қиймати 26 млн. 490 минг сўмлик қорамолнинг касалликка чалинганлиги тўғрисида ветеринария хулосаси ҳам олинади.

Шундан сўнг "Сўқоқ-сут булоғи" фермер хўжалиги раҳбари суғурта шартномасининг 2-бўлим, 6.1 бандларига кўра, мажбуран сўйилган қорамолларнинг 80 фоиз қиймати, яъни 21 млн. 192 минг сўм товон пулини олиш учун "Пойтахт суғурта" шўъба корхонасига мурожаат қилади. Бироқ, мазкур компания томонидан суғурталанган чорва молларининг мажбуран сўйилиши суғурта таваккалчилигидаги касалликлар рўйхатига кирмаслиги ҳамда ушбу қорамоллар "Ҳожиакбар Суннат" фермер хўжалигига тегишли деган важлар билан суғурта товонини тўлашни асоссиз равишда рад этади. Шундан сўнг "Сўқоқ-сут булоғи" фермер хўжалиги раҳбари С.Ҳусанов "Ўзагросуғурта" ДАСК "Пойтахт суғурта" САШК томонидан суғурта шартларининг бажарилмаётганлиги тўғрисида Бош прокурор номига ариза ёзади.

Ушбу ариза Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан кўриб чиқилди ва жорий йилнинг 13 март куни шаҳар прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги" ҳамда "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг 25-моддаси талабларига зид, асоссиз равишда рад жавоби берганлиги юзасидан "Ўзагросуғурта" Давлат акциядорлик суғурта компаниясининг "Пойтахт суғурта" шўъба корхонаси ҳисобидан 27 млн. 125 минг 760 сўм ундириш тўғрисида Тошкент шаҳар хўжалик судига даъво аризаси киритилади. Ва ниҳоят, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 22 апрель кунги ҳал қилув қарорига асосан, "Ўзагросуғурта" Давлат акциядорлик суғурта компаниясининг "Пойтахт суғурта" шўъба корхонаси ҳисобидан "Сўқоқ-сут булоғи" фермер хўжалигининг фойдасига товон пули ундириш тўғрисида қарори чиқарилиб, фермернинг ҳақ-ҳуқуқлари тикланди.

**Нажмиддин ШАЙХОВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим катта прокурори**

**Инсон умри азиз. Унинг ҳуқуқлари эса дахлсиздир. Бу ҳақда саноқли кунлардан кейин юртимизда 17 йиллиги кенг нишонланадиган умумхалқ байрами — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида ҳам аниқ ва лўнда қилиб ёзиб қўйилган. Унга кўра: "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади".**

# ЯХШИ ОШИНИ ЕЙДИ...

Шунингдек, Конституциянинг 37-моддасида: "Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир" деб ёзиб қўйилган.

Кўриниб турибдики, асосий Қонунимизда инсоннинг эркин яшаб, меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатлаб қўйилган. Албатта, ҳалол меҳнат қилиб, умргузаронлик қилишга ҳеч нарса етмайди. Бунинг учун эса юртимизда шароитлар етарли: Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари томонидан олиб борилаётган ишлар, жойларда ташкил этилаётган янгидан-янги иш ўринлари бунга гувоҳлик бериб турибди. Мисол тариқасида биргина Тошкент вилоятини олсак, Жорий йилнинг ноябрь ойи якуни бўйича вилоятда жами 72557 та янги иш ўринлари яратилди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасининг жойлардаги бўлимларига эса 37092 нафар шахс мурожаат қилган бўлиб, уларнинг 33324 нафари иш билан таъминланди. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш мақсадида 1222 та корхона ва ташкилотларда 8724 та иш ўринлари банд қилиниб, 6274 нафар шахс ишга жойлаштирилди.

Бироқ, ана шундай шароитларни ё писанд қилмаётган ёхуд умуман тан олишни истамаётган, мўмай даромад топаман дея охир-оқибат одам савдоси деган балога дучор бўлаётган шахслар афсуски ҳалиҳануз учраб турибди. Доно халқимизнинг "Тоқатлига тоғлар эгар бошини, тоқатсизнинг бировлар ер ошини" деган мақоли назаримизда айнан шундайлар ҳақида айтилгандек. Йўқса, туппа-тузук ишини, оиласи-ю бола-чақасини ташлаб, бировларнинг алдовига учганча, хорижга йўл олаётган ва кўп ўтмай орзу-ниятлари саробга айланиб, энди афсус-надомат чекаётганларнинг ҳолатини яна қандай баҳолаш мумкин? Содда юртдошларимизни тоғдек ваъдалар билан йўлдан уриб, кейин эса уларни бир матоҳдек сотиб юбораётган кимсаларнинг қилмишини-чи?

Бу борада Тошкент вилояти прокуратураси томонидан ўқув масканлари ва меҳнат жамоаларида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Жорий йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш ҳолатлари бўйича 130 та жиноят иши юзасидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилди. Дастлабки тергов ҳаракатлари натижасига кўра, 79 нафар шахсга нисбатан 64 та жиноят иши судга юборилди. Хусусан, 2007 йилнинг кузида Ўртачирчиқ туманида яшовчи Н.Сарсенова дастлабки тергов даврида аниқлашнинг имкони бўлмаган "Ҳабиба", "Лайло" ва "Нодир" исмли шахслар билан тил бириктириб, тошкентлик Н.Нураҳмедова ҳамда Ф.Каримоваларни Бирлашган Араб Амирликларида официантликни ваъда қилиб, охир-оқибат уларнинг ҳар бирини 500 АҚШ долларидан сотиб юборади. Қизлар 2008 йилнинг апрелигача Абу Даби шаҳрида мажбуран фоҳишалик қилишади. Оламфурушлардан яна бири М.Джаббарова эса, 1990 йилда туғилган Э.Ишмуҳамедова билан унинг дугонаси К.Али-Нагиларни Хитойдаги ресторанда официант бўлиб ишлайсизлар, ойига 1000 АҚШ долларидан ойлик оласизлар дея алдаб, 2009 йилнинг 5 январида Ўзбекистондан олиб чиқиб кетади. Хитойда уларни М.Джаббарованинг таниши С.Исмоилова кутиб олади ва меҳмонхонага жойлаштириб, фоҳишалик қилишга мажбур қилади.

Ушбу ҳолат бўйича жиноят ишлари қўзғатилиб, айбдорлар қилмишларига яраша жазога тортилдилар.

Юртбошимизнинг шундай сўзлари бор: "Инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири, бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришдир. Бу ҳуқуқни амалга ошириш давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги шу билан белгиланади".

Ҳа, инсон тинч яшаш ҳуқуқига эга. Бу унинг муқаддас ва устувор ҳуқуқларидан биридир. Шундай экан, унинг бу ҳуқуқларини бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

**Музаффар ДЎСТҚОРИЕВ,**
**Тошкент вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори**

# ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГ ҚОР ҲАМ ЁНАДИ. АММО...

**Раҳбар ким? Раҳбар билими, салоҳияти, ташкилотчилик қобилияти билан жамоада бошқалардан фарқли ўлароқ кўпчиликни ўзига эргаштира оладиган киши бўлиши керак. Албатта, бу сифатлардан ташқари адолатли, виждонли, ҳалол, диёнатли бошлиқ элнинг назарига тушган, жамиятнинг олд кишиси ҳисобланади.**

Насриддин Эсанов 2007 йилда жиноят ишлари бўйича Когон туман суди томонидан судланган. Бироқ, олий маълумотли бу шахснинг бу хатодан хулоса чиқармагани ажабланарли ҳолдир.

Ғиждувон туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш давлат корхонаси директори — масъул мансабдор шахс Н.Эсанов нафсга эрк бериш, масъулиятни унутиш жиноятга етаклашини вақтида ўйлаб кўрмади. Мажбурият ҳиссини хотирадан фаромуш қилиб, корхонанинг жуда кўп миқдордаги мулкини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиб юборди. Бир гуруҳ шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктирган корхона директори жиноий фаолиятини давом эттирди.

Донишмандлар айтганидек, "Фаҳм-идрокли, зийрак одамлар фикр ойнасига оқиллар ишорати ва насиҳатлари билан сайқал берадилар". Афсуски, Н.Эсановда бундай хислат танқис кўринади. Йўқса, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб тўғри йўлдан адашмасди.

Чунончи, 2004 йил декабрь ойидан Ғиждувон йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси директори вазифасида ишлаган Н.Эсанов Республика йўл жамғармасининг буюртмаси асосида 2008 йил давомида "Самарқанд-Ашхабод автойўлидан Ғиждувон шаҳрига шохобча" автомобиль йўлининг 0-6 километрларида бажарилган тўла таъмирлаш ишларида йўл ёқасидаги сув латокларига ўрнатилиши лозим бўлган 9,5 тонна, умумий қиймати 13 миллион 580 минг сўмлик металл панжараларни терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган Азим исмли кишига 8 миллион сўмга сотиб юборади.

Мазкур корхонада жиноят кўлами кенгайиши билан бирга жиноятчилар сони ҳам ортиб борди. Бош ҳисобчи Б.Тожиев, асфальт-бетон цехи бошлиғи Қ.Холов, 103-сон бўлим бошлиғи Т.Ражабов, бош муҳандис Н.Тешаев, Республика йўл жамғармаси техник назоратчиси А.Чоршанбиевлар билан "ҳамкорлик"да фаолият юритди.

Амалдаги қонун талаблари бузилиб, 2007 йилда корхона фаолияти бўйича давлат солиқ инспекциясига солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоботларда солиқ базаси камайтириб кўрсатилади. Оқибатда, давлат бюджети 25 миллион 243 минг сўм моддий зарар кўрган. Корхона мутасаддилари Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги "Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2006 йил 14 июлдаги "Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарор талабларига "хўжа кўрсин" қабилида қарашган. Лицензия бўлмаса-да, 2007 йил давомида автотранспорт хизмати кўрсатиб, 3 миллион 827 минг 500 сўмлик, рухсат гувоҳномаси олмасдан 50 миллион 406 минг сўмлик улгуржи савдо фаолиятини кўрсатиб, 1 миллион 87 минг 600 сўм соф фойда олишган. Шахсий манфаат биринчи даражали масалага айланганда давлат ва жамият манфаатларига путур етиши табиий. Бош ҳисобчи Б.Тожиев билан келишиб, фаолият юритган жиноий гуруҳ бошида турган Н.Эсанов иш ҳақини ҳисоблаш китобларига тегишли ёзувлар киритган ҳолда иш ҳақи ҳисобидан Б.Тожиевга 3 миллион 219 минг сўм, 47 нафар ишчи-ходимларга уларнинг аризасига асосан турли мақсадлар учун олдиндан пул тўлаган. Аммо, ушбу пулларни иш ҳақларидан ўз вақтида тўлиқ сақлаб қолмаган. Натижада 2008 йил 1 декабрь ҳолатида 23 миллион 195 минг 600 сўмлик дебитор қарздорликка йўл қўйиб, корхона манфаатларига моддий зарар етказилган.

Нафси текин даромадга ўрганиб қолган жиноий гуруҳ ноқонуний фаолиятларини иккиланмай давом эттиради.

2008 йил давомида "Самарқанд-Ашхабод автойўлдан Ғиждувон шаҳрига шохобча" автомобиль йўлининг 0-6 километрларида бажарилган тўла таъмирлаш ишларида ишлатилган майда донали иссиқ асфальт-бетон аслида 21-километрдан, қора чақиқтош материали 22-километрдан ташиб келтирилган. Ҳатто иш юритувчи Н.Нуровнинг қурилиш материалларини ташиган транспорт воситаларининг юк ташиганлиги ҳақидаги маълумотларида ҳам айнан шундай қайд этилган бўлса-да, корхона бош муҳандиси Н.Тешаев "ташаббус"и билан бу маълумотдаги рақам сохталаштирилиб, асфальт-бетон ва қора чақиқтош 65-километрдан ташиб келтирилган деган ёзув тиркаб қўйилган. Қонун, виждон олдидаги жавобгарликни тамоман унутиб, фойда, даромад тегирмонига қинғирлик орқали сув қуйган жиноий гуруҳ Ф-3, яъни бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги ҳисоб-маълумотларни Республика йўл жамғармаси техник назоратчиси А.Чоршанбиев билан тасдиқлаб, ушбу ҳисоб-маълумотларнинг молиялаштирилишига эришади. Бюджетдан бошқа харажатлар ва қўшилган қиймат билан бирга ҳисоблаганда 58 миллион 7 минг 500 сўмлик ортиқча тўловлар олинишига сабабчи бўлган жиноятчилар текиннинг тиканаги борлигини суднинг қора курсисига ўтиришгач, англашгани аниқ. Бироқ, пушаймон, надомат манзилигача бўлган "поғона"ларда бурч масъулияти, виждон, ҳалоллик, қолаверса, қонун талаби деган тушунчалар ҳам бор эди-ку! Наҳотки, ҳаётда ҳар қадамда сиз билан ёнма-ён туриши, фикратингизни безаши, тўлдириб туриши лозим бўлган мулоҳазаларни четлаб ўтиш мулзамликка олиб келишини ақлли, билимли одамлар осонгина унутишса?!

Қаловини топиб қорни ёндириш, йўқдан борни йўндириш, ишончни, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, ишни қойилмақом қилиб дўндириш мумкиндир, аммо қонунни алдаб, қинғирликни хаспўшлаб бўлмайди. Жиноий қилмишига яраша жазо олган Н.Эсанов, Б.Тожиев, Қ.Холов, Т.Ражабовлар айнан шу фикрнинг тўғрилигини тан олиши аниқ. Зеро, ҳақиқатнинг ҳамма вақт қўли баланд.

**Бекзод ЯРАШЕВ,**
**Бухоро вилоят прокуратураси АМИБ терговчиси**
**Моҳира ШАКАРОВА,**
**журналист**



*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 17 йиллиги олдидан*

# МУЛК ҲУҚУҚИНИНГ КОНСТИТУЦИЯДАГИ ИФОДАСИ

Маълумки, мулкдор бўлиш ҳар бир шахснинг конституциявий ҳуқуқидир. Мулкдор бўлиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатлари жамиятда шахс омилини улуғлаш баробарида мустақил давлат тараққиёти учун хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг том маънода ҳар бир шахснинг мулкий ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашнинг ҳуқуқий воситаси бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов эътироф этганидек, "Мамлакатимизда кўп укладли иқтисодиёт таркибида давлат, корпоратив ва хусусий мулкчилик тенглиги, айни пайтда хусусий мулкнинг устуворлиги аниқ белгилаб қўйилгани давлатимизнинг сиёсий ва иқтисодий тизимини, биз барпо этаётган жамиятнинг маъно-мазмунини аниқ ва равшан кўрсатиб беради.

Дунёда кўпгина тараққий этган, бугунги кунда барқарор ва бадавлат яшаб келаётган давлатлар тажрибаси шундан далолат берадики, аввало, ўзининг хусусий мулкига эга бўлган шахс ва бундай шахслардан иборат бўлган тоифа, бу бойликни янада кўпайтиришга, ўзини ва оиласини боқишга, шу билан бирга, давлат ва жамият зиммасида бўлган вазифаларни амалга оширишда ўз ҳиссасини қўшади. Ва энг муҳими, ўз юртида тинчлик ва осойишталикни сақлаш ва ҳимоялашда астойдил жон куйдиради".

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси умумэътироф этилган норма ва қоидалари талабларига тўла мос келади. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 17-моддасига кўра, " Ҳар бир инсон якка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга. Ҳеч ким зўравонлик билан ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

Конституция фуқаролар ҳуқуқи ва эркинликлари дахлсизлигини кафолатлайдиган мулкий муносабатларни тартибга солишнинг нормаларини ўзида мужассам этган миллий ҳуқуқий қадриятдир.

Унинг мулк ҳуқуқига оид нормалари эса, Фуқаролик кодексида янада ривожлантирилган тарзда ифодасини топган. Бинобарин, ушбу кодекснинг 207-моддасига кўра, хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Хусусий мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди. Бундан ташқари, Фуқаролик кодексининг 208-моддасида хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари белгиланган бўлиб, уларда фуқаролар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, жамоат фондлар ва давлатга қарашли бўлмаган бошқа юридик шахслар киритилган. Дарҳақиқат, Фуқаролик кодексининг 209-моддасига кўра, қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк бўлиши мумкин.

Маълумки, жамиятнинг иқтисодий негизи сифатида мулк муҳим ўрин тутади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига асосан, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасига мувофиқ, мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Мулкдор бўлиш ҳуқуқи унинг эгасига тегишли мутлоқ ҳуқуқ бўлиб ҳисобланади. Ўтмишдан фарқли ўлароқ, мулкдор бўлиш нафақат конституциявий кафолатга балки уни ижтимоий ҳаётда амалга оширишнинг етарли шарт-шароити яратилди. Давлат мулк шаклларининг тенглигини эътироф этган ҳолда уни ҳар томонлама ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётганлиги мулкка эгалик туйғусини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумки, мулк дахлсизлигининг асослари қонуний мустаҳкамланган. Фуқаролик кодексининг 166-моддаси талабларига кўра, мулк дахлсиздир ва қонун билан қўриқланади. Мулкнинг дахлсизлиги мулкдорга қарши турган барча субъектларнинг мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини сақлашларидан иборатдир. Мулкдорнинг мол-мулкини олиб қўйишга, шунингдек унинг ҳуқуқларини чеклашга фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Мулк бозор муносабатларининг муҳим таркибий элементидир. Мулксиз бозор муносабатларини шакллантириб ҳам бўлмайди. Иқтисодиёт хилма-хил шакллардаги мулклар асосида равнақ топади. Бозор муносабатлари иқтисодий фаолият ва манфаатдорлик асосида ривожланади. Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини таъминлаш энг аввало, уларнинг мулкка нисбатан эгалик туйғусини, мулкдор бўлиш хоҳиш-иродасини рўёбга чиқаришга чамбарчас боғлиқдир. Жамиятда мулкий муносабатларнинг барқарорлигини ва мулкдорларнинг мулкий хавфсизлигини таъминламасдан туриб тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигига ҳам эришиб бўлмайди. Шу сабабли, мулкий эркинлик ва тадбиркорлик эркинлиги бир-бири билан узвий боғлиқ. Бу дегани, жамиятда ҳар бир шахснинг мулкдор бўлиш ҳуқуқини амалга оширмасдан улар эркинлигини таъминламасдан туриб иқтисодиётни тараққий эттириш мушкул масаладир. Конституциявий нормалар иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик эркинлигини кафолатлаш баробарида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этишга хизмат қилади.

Мулкдорнинг мулкий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қолаверса, мулкдор бўлишнинг конституциявий кафолатлари уларнинг иқтисодий маданияти даражасини оширишни ҳам тақозо этади. Мулкий ҳуқуқ ўз навбатида шахснинг иқтисодий ҳуқуқини қамраб олади. Бошқача айтганда, ҳар бир шахснинг иқтисодий ҳуқуқи улар иқтисодий фаолияти эркинлигини таъминлашни ҳам назарда тутади. Шахснинг иқтисодий фаолият эркинлиги мустақил тараққиётнинг муҳим гаровидир.

Бинобарин, давлатнинг бош ислоҳотчилиги, хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик фаолиятига аралашувидан воз кечиш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш асосида мулкчилик муносабатларининг босқичма-босқич ислоҳ этилаётганлиги мулкдор бўлиш ҳуқуқини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Иқтисодий маънода товар-пул муносабатлари иштирокчилари учун тенг ва имтиёзли шарт-шароитларнинг яратилаётганлиги мулкий рағбатлантириш асосий мезон вазифасини бажармоқда. Товарлар, ишлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин муомалада бўлиши мулкдорлар мулкларини яратиш ва кўпайтиришга имкон бермоқда. Давлат томонидан самарали солиқ сиёсатининг амалга оширилиши мулкдорларнинг иқтисодий фаолиятдан манфаатдорлигини оширмоқда. Айниқса, давлат томонидан тадбиркорлик субъектларнинг рағбатлантириш чораларининг тизимли равишда кўрилиши иқтисодиётни эркинлаштиришни ва мулкдорларнинг мулкка эгалик туйғуси ва кўникмаларини шакллантиришга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Мулкдор бўлиш ҳуқуқининг намоён бўлишининг белги ва хусусиятларини қуйидаги омиллар асосида тавсифлаб бериш мумкин. **Биринчидан**, мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлиги эътироф этилганлиги давлат мулки хукмронлигига барҳам бериш имкониятини яратди. **Иккинчидан**, мулкий қадриятлар асосида мулкчилик муносабатларининг ривожланаётганлиги ва ҳуқуқий асослари яратилиб такомиллаштирилиб борилаётганлиги аҳолининг ҳаёт тарзига мос ҳолда таъминлашга эришилмоқда. **Учинчидан**, жамиятда янги қатлам мулкдорлар синфи шаклланаётганлиги мулкий ва инсон манфаатларга тўлиқ мос келади. **Тўртинчидан**, қонуний асосда топилган мулкнинг хажми чегараланмаслиги мулкдорларнинг ҳомийлик фаолияти давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги мустақил тараққиётнинг миллий моделини ижтимоий ҳаётда татбиқ этишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. **Бешинчидан**, мулкдор бўлиш имконияти кенгаётганлиги ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, кафолатлар тизимли тарзда инсон ва тадбиркорлар манфаатини қондириш ва ҳимоя қилиш орқали таъминланаётганлиги ўзининг натижасини бермоқда. **Олтинчидан**, ўтмишдан фарқли ўлароқ (хўжасизлик, бепарволик, дангасалик, беғамлик кайфиятининг ҳукмронлиги) мулкка нисбатан эгалик туйғусини шаклланганлиги, меҳнатга нисбатан қизиқиш, тадбиркорлик фаолиятида ташаббускорлик хусусиятларининг вужудга келиши мулкчилик муносабатларида рўй берган муҳим янгилик бўлиб ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, инсонни мулкдан бегоналаштиришга барҳам бериш борасида ишлар ўзининг самарасини бераётганлиги мулкчилик муносабатларида ислоҳ қилишнинг муҳим натижасидир.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир шахснинг мулк ҳуқуқини ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатини кўзлаб амалга оширишнинг конституциявий асослари инсон ва жамият фаровонлиги ҳамда давлат тараққиётини юксалтиришнинг муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади.

**Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор**

# ЮКСАЛИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Шу кунларда мамлакатимизда республиканинг Бош қомуси - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг навбатдаги санаси муносиб нишонланмоқда. Мазкур ҳужжат бевосита Юртбошимизнинг ташаббуси ва раҳнамолигида ишлаб чиқилган бўлиб, унда минглаб йиллик тарихимиз давомида шаклланган миллий менталитетимиз хусусиятлари сақлангани ҳолда, "ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб" инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг зарур юридик асослари белгилаб берилди. Айниқса, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият мақомига кўтарилиб, "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар"(18-модда) деб кафолатлаб қўйилгани демократия тамойилларига садоқат белгиси бўлди. Барчанинг қонун олдида тенглиги, имтиёзлар фақат қонун йўли билан белгилаб қўйилиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларидан суд қарорисиз маҳрум этиш ёки чеклашга йўл қўйилмаслиги ижтимоий адолат тантанаси йўлидаги салмоқли қадамдир.

Айтиш мумкинки, ушбу айём байрамлар орасида нисбатан амалийларидан саналади. Айни байрам муносабати билан жойларда кўплаб учрашувлар, суҳбатлар, баҳсу мунозаралар ўтказилади. Барчасида конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонун ҳамда қонун ости ҳужжатларининг моҳияти, амалий аҳамияти шарҳланади. Барча саъй-ҳаракатлар кенг аҳоли қатламлари ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилади.

Айниқса, айни сана арафасида Юртбошимиз томонидан ўтаётган йил сарҳисоб қилиниб, янги режалар, дастурларга ҳаётга йўлланма бериш анъана тусини олган. Кейинги йиллар ҳар йил алоҳида номланиб, муайян ижтимоий қатлам манфаатларини ҳимоя қилиш, бирон соҳани кенг қамровли ривожлантириш мақсадида махсус Давлат дастури қабул қилинмоқда. Йил давомида дастур ижроси таъминланаяпти.

Шу маънода, жорий йилнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилиниши хайрли ишларнинг бошламаси бўлди. Аҳолисининг ярмидан кўпи қишлоқларда яшовчи, иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири қишлоқ хўжалиги соҳаси бўлган мамлакат учун қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш муҳим стратегик аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Қабул қилинган Давлат дастури асосида қишлоқ аҳолисининг турмуш маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги фарқни имкон қадар минималлаштириш, айниқса, қишлоқ хўжалигида амалга ошириб келинаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнини фаоллаштириш, кутилган самарага эришиш борасида катта ишлар амалга оширилди.

"Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли", "Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин" деган принципни республика Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилгач, мамлакатимизда режали иқтисоддан воз кечилиб, бозор иқтисодиёти таомилларига кенг йўл очилиши тадбиркорлик ҳаракати кенг қулоч ёйишига замин ҳозирлади. Ишнинг кўзини биладиган, уддабурон элдошларимиз ўз маблағлари ҳамда тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари ҳисобига ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида пешқадамликни қўлларига олишмоқда. Йил сайин тадбиркорларга янгидан янги имтиёз берилаяпти, қулайликлар яратилмоқда. Солиқ юки ҳам енгиллаштирилмоқда. Ҳозирда хусусий мулкдорлар халқ хўжалигининг деярли барча соҳасини қамраб олмоқда. Йил сайин мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги хусусий секторнинг улуши тобора ортиб бормоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан ерни ҳақиқий эгасига бериш, соҳада ишлаб чиқариш муносабатларини бозор талаблари асосида ташкил этиш ҳаракатлари бошланди. Республикамизда фермерлик ҳаракатига асос солинди. Бугунги кунга келиб, фермер фаол ислоҳотчига айланган. Фермерларимиз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчисигина бўлиб қолмасдан, қишлоқларимизни обод қилиш, ҳудудга ишлаб чиқаришни олиб кириш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали қишлоқ турмуш маданиятини юксалтириш, бир сўз билан айтганда, қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги учун масъул шахсга айланган. Буларнинг барчаси Бош қомусимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳаётга фаол жорий этилаётганлигидандир.

**Акмал АСРОРОВ,**
**Бош прокуратура бўлим катта прокурори**
**Улли БОБОЕВ,**
**журналист**

**Ўз суверенитетини эълон қилган ҳар қандай замонавий давлат олдида, аввало, суверенитетни конституциявий асосда мустаҳкамлаб қўйиш зарурати пайдо бўлади. Ўзбекистон Республикаси ҳам суверенитетга эришгач, ўзининг мустақил давлат мақомини Конституциявий асосда мустаҳкамлашга киришди. Янги Конституцияда ёш давлатнинг мақсади, инсон ҳуқуқларига, демократия ва ижтимоий адолатга содиқлиги мустаҳкамлаб қўйилиши керак эди. Шу билан бирга у ўзбек давлатчилиги тарихий тажрибасини ҳисобга олиши, халқаро ҳуқуқнинг умум томонидан эътироф этилган меъёрларига таяниши, фуқаролар учун муносиб ҳаётни таъминлашга асос бўлиши, барқарор бозор иқтисодига асосланган демократик давлат, фаровон жамият учун ҳуқуқий пойдевор яратиши керак эди.**

# ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ АСОСИ

1992 йилнинг 8 декабрида умумэътироф этган халқаро ҳуқуқ нормалари, андозалари талабларига жавоб берадиган замонавий Конституциянинг қабул қилиниши билан Ўзбекистонда демократик-ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти сари биринчи ва қатъий қадам қўйилди.

Ўзининг тузилиши, йўналиши, мазмуни жиҳатидан аввалги конституциялардан принципиал равишда фарқ қилувчи Ўзбекистон Конституцияси дастлабки моддасидан то охирги 128-моддасига қадар мустақиллик ғояси билан суғорилди. Унда жинси, миллати, ирқи, ёши, дини, эътиқоди ва ҳоказоларга қараб, инсон ҳуқуқларини муайян даражада камситадиган битта ҳам модда йўқ. Жаҳон ҳамжамиятининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ютуқларига, демократик қадриятларга таянилганлиги ҳам Конституциямизнинг хусусияти саналади.

Шунинг билан бирга, Конституциямиз мамлакатнинг миллий хусусиятларини ҳам ўзида акс эттира олди. Конституция мамлакатни халқаро муносабатларнинг мустақил субъекти эканлиги, ташқи сиёсатни ўз манфаатларидан келиб чиқиб олиб бориши, халқаро ташкилотлар ва давлатлараро тузилмаларга кириш ҳуқуқини қонуний мустаҳкамлаб қўйди. 1990 йилнинг 20 июнь куни эълон қилинган "Мустақиллик декларацияси" ҳамда 1991 йил 31 август куни қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонуни талабларини ўзида тўлиқ акс эттирган Конституциямизда инсон ҳаёти ва эркинлиги, шаъни, қадр-қимматининг олий қадрият эканлиги, фуқароларнинг суд орқали ҳимоя қилиниши, айбсизлик презумпцияси каби нормалар мустаҳкамлаб қўйилган. Бир сўз билан айтганда, Асосий қонунимизда санаб ўтилган устувор меъёрлар Ўзбекистон халқининг мақсади қанчалик улуғворлигидан, юртимиз келажаги буюклигидан дарак беради.

Ўтган ўн йил давомида Конституция Асосий қонун шаклида жамиятда вужудга келадиган кўпгина саволларга жавоб бериш баробарида, давлатнинг аниқ-равшан дастури мавжудлиги ва унинг аниқ белгиланган йўлдан бораётганини кўрсатиб берди. Яъни, мазкур Конституция асосида республикамиз ўз тараққиёт йўлини белгилаб олди ва бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлади. Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик ҳукм сурмоқда. Бунёдкорлик ишлари учун шарт-шароитлар яратилди. Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида жаҳон миқёсига чиқди.

Шу ўринда Ўзбекистонда конституциявий институт саналган прокуратура тўғрисидаги қонунга тўхталиб ўтсак. Маълумки, прокуратуранинг ташкилий, ҳуқуқий шакли, асосий вазифалари Конституциямизнинг 118-121-моддаларида белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, прокуратура фаолияти янги таҳрирдаги "Прокуратура тўғрисида"ги қонун билан тартибга солинади.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари шароитида "Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Прокуратура органларининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш, мақсад ва вазифаларини қайтадан кўриб чиқиш ва албатта, ҳуқуқни ҳимоялаш функцияларини кучайтиришни вақтнинг ўзи тақозо этди. Энг муҳими, Конституциянинг 118-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган "Ўзбекистон ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади", деган ваколат янги Қонунда янада ривожлантирилди ва мазмунан бойитилди.

Қонунга киритилган янги моддалар прокуратуранинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштиришга олиб келди. Эндиликда прокуратуранинг жиноий жавобгарликни таъқиб этувчи функциялари ўзгариб, асосан, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя этувчи органга айланди.

Инсоннинг ҳаёти ва эркинликлари энг олий қадрият ҳисобланади, шу боис мамлакат Конституциясида инсонпарварлик тамойили асосида инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш биринчи ўринга қўйилган. Бу жамият ва давлат ҳаётини демократик жиҳатдан янада янгилаш, мамлакатни модернизация қилишда инобатга олинмоқда.

Мазкур вазифалар тўлақонли ечимини топиши учун ҳар бир фуқаронинг Конституция ва қонунларга амал қилиш зарурлигини ҳис қилиб яшашига эришиш даркор. Зеро, инсонларнинг қонунларга риоя қилишлари, уларни тушунишлари ва ҳурмат қилишлари қурилаётган янги демократик ҳуқуқий давлат пойдеворининг мустаҳкамлигини таъминлайди.

**Ҳамидулла АБДУАЛИЕВ,**
**Учтепа туман прокурори ўринбосари**

**Ўзбекистон тинч, парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий давлатчилигига эришиши билан ўзбек халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқди. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва ривожлантириш, давлат мустақиллигининг ва ҳозирги иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий пойдевори бўлган Асосий қонун — Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясини қабул қилиш бош вазифа қилиб қўйилди. Сабаби, ҳеч бир давлат ўзининг Асосий қонунида давлат ва жамият қурилишининг тамойилларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият тараққиётининг иқтисодий асослари ва стратегик йўналишларини мустаҳкамламасдан туриб, ҳақиқий суверен давлат бўла олмайди.**

# КЕЛАЖАК АСОСИ ВА ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

1992 йил декабрида Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши суверен давлатимиз ҳуқуқий жиҳатдан шаклланганлигининг асоси бўлди. Давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ бўлганлиги учун унда Ўзбекистонда яшовчи халқнинг иродаси, руҳияти, ижтимоий онги ва маданияти акс эттирилди. Унинг лойиҳаси устида тахминан икки йил давомида ишланди, икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтди, натижада Конституция асосида биз ўз тараққиёт йўлимизни белгилаб олдик.

Мустақил Ўзбекистон биринчи Конституциясининг ўзига хос жиҳати шундаки, унда инсон ҳуқуқини таъминлаш устувор йўналиш қилиб белгиланган. Қонунчилигимиз ва кундалик ҳаётимиз миллати ва динидан қатъи назар Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча кишиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенглиги учун зарур шароит яратиб берган. Конституцияда динга эътиқод қилиш эркинлигининг мустаҳкамланиши ислом дини билан бирга бошқа динларга эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқларини кафолатлади.

Қабул қилинган янги Конституция бозор муносабатларига кенг йўл очиб берди, эркин ишбилармонликни қўллаб-қувватлади, хусусий мулк давлат муҳофазасида экани таъкидланди, ўз мулкини ўзи тасарруф этадиган кишилар ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг таянчига айланди.

Конституциямизда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари қатори прокуратуранинг мақоми ва фаолияти, унинг тамойиллари белгилаб берилди. Конституцияга мувофиқ прокуратура қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти таркибига киритилмади. Ўзбекистон Конституциясида прокуратура давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши бўлимига киритилганлиги унинг мустақил тизимга эга эканлигини билдириб, Ўзбекистон ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга ошириши мустаҳкамлаб қўйилди.

Конституцияда прокуратура учун алоҳида XXIV-боб ажратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасидаги "Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар" деган қоида прокурорлар давлатда қонунларни аниқ, бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширишда қонундан четга чиқишга, унинг бузилишига ва ўзбошимчаликка йўл қўймасликлари кераклигини англатади. Прокурорларнинг ҳар бир ҳуқуқий ҳужжати, уларнинг процессуал ҳаракатлари қонунга асосланиши, ундан келиб чиқиши ва қонунда белгиланган тартибда бажарилиши лозим.

Прокуратура органлари фаолиятининг конституциявий ислоҳотлари ҳозирги кунга қадар ҳам давом этиб келмоқда. Парламент икки палатали тизим асосида фаолият кўрсата бошлаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш, лавозимидан озод қилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикасининг Сенати ва қонунчилик Палатаси билан ўзаро муносабатлари механизми, Бош прокурорнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлисининг Сенати олдида ҳисобот бериши белгилаб қўйилди.

Конституцияда прокуратура мақомининг белгиланиши, унинг зиммасига жиддий вазифаларни ҳам юклайди. Жумладан:

- жиноятчилик ва коррупциянинг олдини олиш, сабаби ушбу ҳолатларнинг авж олиши давлат конституциявий асосларининг емирилишига, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг жиддий тарзда бузилишига олиб келади;
- хусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари билан тенг ҳуқуқли эканлиги эътироф этилган бўлса-да, мол-мулк кимнинг қўлига топширилаётганлиги, қонунга асосланганлигини назорат қилиш бизнинг асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Энг асосийси, Конституциямиз белгилаб берган демократик адолатли жамият қурмоқчи эканмиз, Конституциямиз моҳияти ва меъёрларига зид бўлган барча иллатлардан, авваламбор ўзимиз, қолаверса, барчамиз халос бўлишимиз керак.

**Янгибой БАБАЖАНОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи**

# КОНСТИТУЦИЯ — ХАЛҚНИНГ ИРОДАСИ

**1992 йил 8 декабрь куни ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган мустақил давлатимизнинг биринчи конституцияси давлатимиз мустақиллигининг мустаҳкам пойдевори бўлиб ҳисобланади.**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, аввало, Ватанимиз озодлигининг шаҳодати сифатида ҳам жуда қадрлидир. Конституциямиз ўзбек халқининг асрлар мобайнида сақланиб келаётган миллий урф-одат, расм-русум, удум ва анъаналари, ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзи, ҳуқуқий онги, эътиқоди, бир сўз билан айтганда, маданий ва маънавий дунёсини ифода этади. Чунки, умумбашарият маърифатпарварлигини яратишда бевосита иштирок этган буюк аждодларимиздан меҳр-оқибат, иймон ва инсоф, шафқат ва раҳмдиллик, ўзаро ҳурмат, юксак ватанпарварлик, бағрикенглик каби энг ардоқли фазилатлар сақланиб қолган.

Бу қомусий ҳужжатда давлатимиз, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, жамият ва шахс, Ўзбекистоннинг маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши, давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши кабилар ҳақидаги қоидалар белгилаб қўйилган.

Конституциянинг тарихий аҳамияти шундаки, унда Ўзбекистон фуқароларининг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда бурчлари, фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, эрки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги кабилар ўз ифодасини топган.

Қомусимизда миллий урф-одат ва анъаналаримиз, умуман миллий қадриятларимизнинг ҳимояси ва равнақининг ифода этилганлиги унинг янада халқчиллигини намоён этади. Шунинг учун ҳам ҳар йили қомусимиз қабул қилинган кунни байрам сифатида нишонлаймиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон мазкур Конституцияга асосланиб, ўз халқи манфаатларига тўла мос келадиган сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни амалга оширмоқда.

Конституциянинг 13-моддасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши алоҳида мустаҳкамлаб қўйилган.

Сиёсий, ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга эга бўлган Конституциямизнинг ер куррасида мустақил ўзбек давлатининг яшаётгани ва меҳнат қилаётганини намойиш қилиб туриши, соғлом фикрловчи ҳар бир Ўзбекистон фуқароси қалбига қувонч бағишлайди. Худди шунингдек, Конституциямизда ҳурфикрлилик, виждон ва диний эътиқод эркинлиги халқимизда азал-азалдан шаклланган маънавий анъаналаримиз ва урф-одатларимизнинг уйғунлиги билан янада аҳамиятлидир. Чунончи, мустақиллик шарофати билан диний ташкилот ва бирлашмалар давлатдан ажратилган бўлиб, улар қонун олдида тенгдирлар, шу аснода давлат ҳам диний ташкилотларнинг фаолиятига аралашмайди.

Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти давлатимизнинг уч асосий таянчи эканлиги қомус саҳифаларига муҳрлаб қўйилган.

Улуғ бобокалонларимиздан бири Абу Наср Фаробий "Бошқарув ҳам қонунларнинг сонига ва қадриятига боғлиқ. Яхши бошқарув - яхши қонунларга, етук бошқарув - етук қонунларга боғлиқ" деган эканлар. Ушбу чуқур маъноли фикрлардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишларга баҳо бериш мумкин. Шундай экан, айтиш мумкинки, тарихий тажрибалардан келиб чиқиб яратилган асосий қонунимиз жаҳондаги мукаммал конституциялардан биридир.

Ўзбек халқининг асрий орзуси ҳисобланган мустақилликни асраб-авайлаш, давлатимизнинг ҳар томонлама равнақ топиши ва юксалишини таъминлаш мақсадида Конституция ва қонунларга тўғри ва аниқ риоя этиш ҳар бир фуқаронинг, айниқса, ёшларнинг асосий бурчи ҳисобланади. Биз адолатли ва фаровон жамият қуриш йўлидамиз. Бунинг учун эса, Конституция ва унинг асосида яратилган қонунларни чуқур ўрганиш ва уларга амал қилиб яшаш кундалик ҳаётимизга айланиши шартдир. Зеро, юртбошимиз ўз маърузаларида "Бизга фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билими ва маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар ёшлар керак!" - деб бежиз таъкидламаганлар.

**Жасурбек МАТНАЗАРОВ, Жавлонбек АБДАЛНИЯЗОВ,**
**Тошкент Давлат юридик институти 2-курс талабалари**

## *3 декабрь — Халқаро ногиронларни ҳимоя қилиш куни*

# КЎНГИЛ МАЛҲАМИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Пенсия ва нафақа тайинловчи комиссиялар фуқароларнинг аризаларини 10 кун муддатда кўриб, ҳал қилиб боришган. 1741 нафар болаликдан ногиронларга нафақа тўлаб бориш учун ҳар ойда қарийб 118 миллион сўм маблағ ажратилган.

Бироқ, ижтимоий таъминот бўлими ходимлари нафақа тайинлашда қонунбузилишига йўл қўйишган. Хусусан, Сайрам қишлоғида яшовчи 1-гуруҳ ногирони Д.Аҳмедовага шу йил май ойида 55550 сўм ўрнига 33645 сўм, ёки 28095 сўм кам нафақа тайинланган.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан айрим тоифа шахсларга автомобил бензинини сотиб олиш бўйича белгиланган имтиёзлар ўрнига ойлик пул компенсациялари тўлови жорий қилинган. 25 нафар шахсларга биринчи ярим йилликда ўртача 110,4 минг сўмдан товон пули тўланган. Лекин, уни тўлашда иккита ҳолатда ногиронларга берилган автомобилларнинг йиллик техник кўрикдан ўтказилиши лозимлигига оид шартга амал қилинмаган.

Ҳукуматимизнинг қарорига мувофиқ равишда муҳтожлар ногиронлик аравачалари, протез-ортопедия мосламалари билан таъминланмоқда.

Шу йилнинг биринчи ярмида ўн икки нафар ногиронлар туман ижтимоий таъминот бўлимига аравача сўраб мурожаат этишган.

Ўн бир нафарининг аризалари қаноатлантирилган. Лекин, 1992 йилда туғилган Дониёрбек Аҳмедов аравача билан таъминланмай қолган.

Эшитиш мосламасига муҳтожларнинг уч нафари ҳам эътибордан четда қолган. Олти киши муҳтож бўлгани ҳолда тўрт дона мослама келтирилган. Мавжуд бўлгани ҳолда Оқтош қишлоғида яшовчи Б.Асқаровга эшитиш мослама топширилмаган.

Худди шунингдек, ижтимоий таъминот бўлимида бор бўлса-да, уч нафар ногиронларга қўлтиқтаёқлар берилмаган.

2009 йил 8 ойида тиш протезлари учун 40 дона йўлланма - буюртмалар олиниб, Тошкент ортопедия мосламалари корхонасига 34 та йўлланма талонлари жўнатилган. Бироқ, корхонада фақат 1 дона протест тайёрлаб берилган, холос.

Амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларига асосан ногирон ва ёшга доир пенсионерлар соғлиқларини санатория-курортларда бепул тиклаш имкониятидан фойдаланишмоқда. Адлия ва Молия вазирликларининг йўриқномасида йўлланмаларни бериш тартиби белгилаб қўйилган. Йўлланма сўраб ёзилган аризалар сиҳатгоҳларга туман учун ажратилган йўлланмалардан бир неча марта кўп бўлган вазиятда туман ижтимоий таъминот бўлимининг ушбу соҳага масъул ходимлари томонидан йўриқнома талабларига зид иш тутилган ҳолатлар аниқланди. Чунончи, аризаларга мувофиқ навбатга қўйиш ва навбат бўйича сиҳатгоҳга йўлланма бериш шарти бузилган. Бир қанча ҳолатларда йўлланмалар навбатсиз берилган. Сиҳатгоҳда даволаниб дам олган ногирон ва қарияларга орадан икки йил ўтиб такроран йўлланма бериш тартибига ҳам риоя қилинмаган. Ўтган йили соғлиқларини тиклаган фуқаролар такроран навбатга қўйилиб, яна навбатдан ташқари сиҳатгоҳларга юборилган.



Туман соғлиқни сақлаш бўлимида ўзгалар парваришига муҳтож барча ногирон ва пенсионерлар тиббий кўрикдан ўтказилган ва тиббий хулосалар берилган. 211 нафар ўзгалар парвариши ва ёрдамига муҳтож ногирон ҳамда пенсионерлар уйларида даволанишган. Бироқ уйда даволанишлари кўзда тутилган 51 нафар ногиронга тиббий хизмат кўрсатилмаган.

Туман тиббиёт бирлашмасининг даволаш бўлимларида ногирон ва пенсионерлар, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар ётиб даволанишлари учун 31 ўрнига мўлжалланган 8 та хоналар ажратилган. Ҳисоботда стационар даволанганлар сони 4 нафарга қўшиб ёзилган.

Ногиронларга квотали иш ўринлари ажратилган бўлиб, инфратузилма объектларида ишлашлари учун йўлланмалар берилган. Бироқ, уларнинг ишга жойлашганлари билан биров қизиқмаган. Чунончи, шу йил биринчи ярмида йўлланма бўйича юборилган 27 нафар ногиронларнинг 2 нафаригина ишга кирган.

Туманлараро меҳнат экспертизаси комиссияларининг фаолиятлари талабга жавоб бермайди. ТМЭК туман марказий поликлиникасининг 3-қаватида жойлашган. Ногиронларни чиқиб-тушишларида қийинчиликлар туғдирсада, комиссия хонасини 1-қаватга кўчириш, қулай шароитлар яратиш тўғрисида ҳеч ким қайғурмаган.

Ногиронларни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги журналлари (РЯТД)нинг айримларида қайд этилган санаси, тартиб рақами, ногироннинг исм-фамилияси, турар-жойи, ташхиси, реабилитация тури ва муддатлари, манзиллари тўлиқ ёзилмаган. Ногиронларнинг 33,4 фоизигагина юқоридагидай журналлар юритилган, холос.

Болаликдан фалаж Х.Абдураҳмонова 1-гуруҳ ногиронлиги белгиланган. Бироқ далолатномада реабилитация бўйича тавсиялар тўлиқ ёзилмаган, ногиронлик аравачасига муҳтожлиги, таъминловчи ташкилот, таъминлаш муддатлари кўрсатилмаган. Айрим ногиронларга РЯТД журналлари юритилмаган, ҳасса, ортопедик пойафзалга муҳтожликлари белгиланмаган.

Бевосита иш жойида жароҳатланиб, ногирон бўлиб қолганларга товон пули ундирилди. Чунончи Тўрақўрғон йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш корхонаси ишчиси Ш.Турдиев иш жараёнида оғир тан жароҳати олиб меҳнат қобилиятини йўқотиб, 2-гуруҳ ногирони бўлиб қолган. Бироқ, унга Меҳнат кодексида кўзда тутилган йиллик иш ҳақи миқдорида бир йўла салкам 1,3 миллион сўм нафақа пули тўланмаган.

Туман прокуратураси қўллаган таъсир чоралари билан юқоридаги қонунбузилиш ҳолатлари бартараф этилди. Ногиронларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Бевосита текшириш мобайнида Шаханд қишлоғилик М.Мамадалиев, Холматов қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи М.Майрамхон, Бураматут қишлоғилик З.Умрзақовалар қайта тиббий кўрикдан ўтказдирилиб, 2-1-гуруҳ ногиронлиги белгиланиши таъминланди. Шунингдек, фуқаро М.Маданминов, Б.Умаров, Х.Хайитов, М.Эшматовалар қўлтиқтаёқ ва ҳассалар билан таъминланди. 9 нафар навбатда турган пенсионер ва ногиронлар сиҳатгоҳларга юборилди. 5 нафар пенсионер ва ногиронлар вилоят физиотерапия шифохонасида имтиёзли равишда даволанишга ётқизилди. Қайта медицина текширувида К.Солиев ногиронлик аравачаси, И.Валихонов ҳасса ва ортопедия мосламасига муҳтож сифатида рўйхатга қўйилди.

Ногиронлар қийналмай киришларини кўзлаб, ижтимоий таъминот бўлими биносининг кўча эшиги ёнига ногиронлик аравачаси учун махсус йўлакча қурдирилди. Янгиобод МФЙда турувчи ёлғиз пенсионер М.Узоқбоевга телефон тармоғи ўтказдириб берилди.

Давлат идоралари қўллаб-қувватлашларидан ташқари меҳр-мурувватли инсонлар, жамоат ташкилотлари, тадбиркорлар ёлғиз кексалар ва ногиронлардан ҳол сўраб, турли эҳсонлар қилиб кўнгилларига малҳам бўлишмоқда.

**Улуғбек РАҲИМОВ,**
**Тўрақўрғон туман прокурори**

# НОГИРОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИ

**Юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро, ҳар бир оиланинг тақдири ва бугунги ҳаёти, эртанги келажагини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда Конституциянинг ўрни, аҳамияти ва таъсири қай даражада эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас.**

**Конституция, унинг маъно-мазмуни ва устувор тамойиллари, унда шахс манфаатининг давлат манфаатидан устун этиб белгилангани, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда манфаатларини энг олий қадрият сифатида мустаҳкамлаб қўйилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.**

**Бошқа инсонлар қатори ногиронлар ва меҳнат қобилияти чекланган шахслар учун яратилган қонуний кафолатлар Конституциямизда ва унга асосланиб қабул қилинган қонунларимизда ўз ифодасини топган.**

Давлатимиз мустақилликка эришгач, жамиятдаги кучли ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга мос равишда меҳнат бозорида маълум маънода рақобат ҳамда ишсизлар гуруҳи, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, яъни меҳнат бозоридаги бундай рақобатга тайёр бўлмаган кишилар, энг аввало, ўз ўрнини топиш учун керакли ва маълум бир касбга эга бўлмаган, малакаси паст ва пенсия ёшига яқинлашиб қолганлар, касалманд ёки ногирон шахслар ҳаётий тўсиқларга учрадилар.

Жисмоний имконияти чекланган фуқароларга меҳр-мурувват кўрсатиш, уларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш учун муайян тадбирлар ишлаб чиқиш, уларга ғамхўрлик ҳамда ҳомийлик қилиш демократик тузум, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятининг асосий хусусиятларидан бири саналади.

Давлат томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож шахс ҳақ-ҳуқуқлари қонуний ҳимоясининг таъминланганлиги кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатининг даражасини белгилайди.

1983 йилда бошланган Ногиронлар ўн йиллиги охирида, яъни 1992 йил 14 октябрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Халқаро ногиронлар куни таъсис этилган. Бу ўн йиллик ногиронларни ахборот билан таъминлаш, улар аҳволини яхшилаш чораларини кўриш муддати сифатида тарихга муҳрланди. Кейинчалик Бош ассамблея Халқаро ногиронлар кунида имконияти чекланган одамларнинг ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишларига ёрдам берадиган тадбирлар уюштириш таклифи билан чиқди. Халқаро ногиронлар кунида жаҳон ҳамжамияти ногиронларнинг таълим олишлари, иш жойлари билан таъминланганлик даражаси, реабилитация воситалари билан таъминлаш, ногиронларга тўланадиган пенсия ва нафақаларни ривожланиб бораётган замон талабларига мос тарзда ишлаб чиқиш ва бошқа муаммоларни ҳал этиш чораларини излайди. 2007 йил 3 декабрда "Электрон технологияларни қўллаш имкониятлари" кун мавзуси этиб белгиланди. Чунки соғлом кишиларга қараганда ногиронлар технологик маълумот ва мулоқотдан етарлича фойдалана олишмайди.

Ногиронларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришлари, жамият ҳаётида фаол қатнашишларига имкон бериш ва қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни (эски таҳрири), "Меҳнат муҳофазаси тўғрисида"ги Қонуни, "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 7 декабрда "2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилиниши ва шунга оид давлат дастурининг тасдиқланиши ҳамда рўёбга чиқарилиши, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 ноябрда қабул қилган "Ўзбекистон Республикасининг ногиронларни реабилитация қилиш бўйича 1996-2000 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги 433-сонли қарори, "Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси маънавий баркамол ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш, жисмоний имкониятлари чекланган болалар тўғрисида ғамхўрлик қилиш зарурлигини жамиятнинг маънавий-ахлоқий асослари ва негизини мустаҳкамлашнинг мажбурий шарти сифатида жамоатчилик онгига сингдириш мақсадида 2004 йил 7 сентябрда 419-сонли билан "Республика болалар ижтимоий мослашуви марказини ташкил этиш тўғрисида"-ги қарорни қабул қилди ва унга кўра, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ташкил этилди. Айниқса, 2007 йилнинг мамлакатимизда "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилиниши давлатимиз томонидан аҳолининг заиф қатламларини - ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига қай даражада аҳамият берилаётганлигини кўрсатди.

Демографик жараёнлар шиддат билан ўзгараётган бир пайтда аҳолининг бевосита давлат ижтимоий ҳимоясига муҳтож тоифаларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш зарурати туғилади. Бу борада асосан ногиронларга алоҳида эътибор бериш шарт. Чунки мазкур қатлам, яъни аҳолининг ногиронлар тоифасига кирувчи қисми (ногиронликнинг келиб чиқиш сабабларидан қатъи назар) ўзгалар парвариши ва кўмагига ҳақиқатда муҳтож ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатлари томон тадрижий ривожланиш йўли билан борар экан, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш объектив зарурат сифатида намоён бўлди. Зеро, Президентимиз айтганидек, "бозор муносабатларига қийинчиликларсиз ва ижтимоий зиддиятларсиз, силлиққина ўтиб бўлмаслигини бошқа мамлакатларнинг тажрибаси кўрсатиб турибди. Шу сабабли бозор механизмини жорий этишдан аввал одамларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича кучли эҳтиёт чора-тадбирларини олдиндан кўриб қўйилиши объектив заруриятдир".

Конституциямизнинг 39-моддасида шундай дейилади: "Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга".

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида қонунчилик тизимлари асосан ўтиш даври иқтисодий шартларига ва олдимизда турган вазифаларга мувофиқлаштирилди. Республикамизда ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш мақсадида, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва норматив ҳужжатлар мажмуи ишлаб чиқилди, қабул қилинди ва ҳаётга татбиқ этилмоқда. Аҳолининг ҳимояга муҳтож ногирон қатламини ижтимоий таъминлашнинг ҳуқуқий асослари яратилмоқда.

Ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилишда ногиронликни белгиловчи ва ногиронлик даражасининг оғир-енгиллигига қараб гуруҳларга бўлишни тартибга солувчи қонун нормалари муҳим аҳамият касб этади. Бу қонун нормаларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий марказини ташкил этиш тўғрисида"ги 2006 йил 17 майдаги 89-сонли Қарори, "Чернобиль ҳалокатидан зиён кўрган Ўзбекистон Республи-

# Комиллик бахти ва шукроналик туйғуси

Ўшанда қалин қор ёққан кун эди. Автобус бекатида кўзи ожиз икки кишининг суҳбати ва ҳаракатлари эътиборимни тортди. Улардан бири гўё осмонга қараб, қўллари билан паға-паға ёғиб турган қор учқунларини ушлашга интилар, шеригининг елкасини пайпаслаб:

— Қор ёғаяпти. Қандай мазза-а, қўлларингда эриб кетади. Қор оппоқ бўлар экан! Оқ қанақа экан-а? — дея ҳайратланиб сўрар эди.

Ўшандан бери қачон қор ёғса, мазкур воқеа ёдимга тушаверади. Дарҳақиқат, тўрт мучамиз соғ бўлганига минг бора шукр қилишимиз лозим. Дунёни рангли кўриш, сезиш ва идрок қилиш, шунингдек тан-жоннинг ҳаракатда бўлиши одам учун улкан бахтдир. Бу бахтнинг қадрига етмоқ лозим.

3 декабрь — халқаро ногиронларни ҳимоя қилиш куни сифатида белгилаб қўйилган. Республикамизда, жумладан, пойтахтимиздаги ногиронлар учун ихтисослаштирилган мактаб ва муассасаларга борсангиз ўзгача таассурот билан ортга қайтасиз. Ногиронларга оид муассасаларда ишлайдиган ходимларнинг иродасига тан берасиз. Пойтахтимиздаги 1-сонли ногиронлар мурувват уйининг жисмоний даволаш тарбияси (ЛФК) методисти, тренер-инструктор Ринат Сафин қуйидаги фикрларини баён қилди:

— Бу муассасада салкам 7 йилдан буён ишлайман. Бу ерда 284 нафар 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар тарбияланади. 18 ёшга тўлган йигит-қизлар республикамиздаги 33 та марказий бўлимларга жойлаштирилади. Тарбияланувчиларга барча шароитлар мавжуд. Жумладан, физиотерапия, стационар, реанимация хоналари ва спорт заллари керакли жиҳозлар билан жиҳозланган. Мурувват уйини таъмирлашда ҳомийларимизнинг улкан ҳиссаси бор. Россия, АҚШ, Исроил, Жанубий Корея, Сингапур ва Малайзия элчихоналари ҳамда саховатпеша юртдошларимиз ўз ёрдамларини аяшмаяпти.





Мурувват уйида ота-онасидан турли сабаблар билан айрилган болалар яшайди. Биз уларни ногирон ёки жамият учун кераксиз, деб ҳисобламаймиз. Болалар орасида истеъдодлилари кўп. Ҳар бир бола алоҳида эътиборга муҳтож. Биз уларни 6 гуруҳга ажратганмиз. Гуруҳига қараб, жисмоний машқлар бажартирилади. Баъзи умуман юролмайдиган болалар даволовчи машқларнинг самараси туфайли мустақил юра бошлашган. Касбий фаолиятим мобайнида 27 нафар бола юра бошлаганига гувоҳман. Улар орасида ДЦП (церебрал фалаж) ташҳиси бўлган болалар кўпчиликни ташкил қилган. Бундан ташқари, чет давлатларда ногиронлар ўртасида бўлиб ўтган чемпионатларда болаларимиз совриндор бўлиб қайтишди. Масалан, ўғил болалардан Станислав Стас енгил атлетика бўйича, қизлардан Эшонбоева Нигора, Абдуғаниева Марҳамат, Мингбоева Сауле сузиш бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашган.

Собиқ Иттифоқ даврида "Ногирон ақлан заифлар уйи" деб номланувчи муассаса эндиликда "Мурувват уйи" деб номланиши ҳам миллатимиз бағрикенглиги ва кучли ижтимоий сиёсатининг ифодасидир.

Инсон ўз касбига меҳр қўйгандагина барака топади, деб ҳисоблайман. Натижа ва самаранинг моҳияти касбингизга бўлган садоқат билан белгиланар экан. Бу ердаги болаларни ўқитиш осон эмас. Болаларга алоҳида парвариш керак. Уларни ўз фарзандимиздек кўрамиз. Ногирон болаларга жисмоний машқлар қилдиришдан олдин унинг имкониятини, яъни сиҳат-саломатлигининг тикланиши учун фойдали бўлган даволовчи машқлар бажартираман. Бу болаларнинг руҳияти жуда мураккаб. Улар билан ишлаш давомида махсус психологик ёндашув талаб этилади. Айниқса, 13-15 ёшга тўлган ногирон ўғил ва қиз болаларнинг балоғат ёшига ўтиш даври мураккаб кечади. 8 ёшгача бўлган ногирон болалар соғлом болалар билан ўзларини унчалик солиштирмайди. Аммо 8 ёшдан кейин уларнинг руҳиятида кескин ўзгариш сезилади. Масалан, нега у бундай юради-ю, нима учун мен шундай юролмайман, деган саволларни балоғат ёшига етган ногиронлардан эшитиб қоламиз. Жисмоний даволовчи тарбиянинг тарихий шиори бор: "Ҳар қайси дори-дармон ҳаракатнинг ўрнини босолмайди, аксинча ҳар қандай ҳаракат дори-дармоннинг ўрнини босиши мумкин".

Баъзи болаларнинг нуқсонли бўлиб дунёга келишига ота-оналарнинг ўзлари сабабчи бўлиб қолади. Қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ, гиёҳванд моддаларнинг истеъмол қилиниши оқибатида бундай болалар дунёга келади.

Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Аниқроғи, шу воқеанинг иштирокчисига айландим. Бир куни зарурат туфайли дори олишим керак бўлди. Дорихонага кириш учун зинадан кўтарилаётган эдим. Кимнингдир "шошманг, илтимос", деган мурожаатидан тўхтаб қолдим. Ўгирилиб қараганимда ногиронлар аравачасидаги бир киши дорилар рўйхати билан бир даста пулни менга узатган кўйи: — Укажон, шу қоғоздаги дориларни менга олиб чиқолмайсизми? Дорихонага киролмаяпман. Кўриб турганингиздек зина баланд экан. Зинаси йўқ дорихоналарнинг эса кириш эшиги тор. Аравачам билан киролмаяпман. Илтимос, малол келмаса ёрдам берсангиз..., — деб илтижоли қараб турарди.

Агар иложи бўлса дорихона, кафе, маданий хордиқ чиқариш жойларида ва турли муассасаларнинг қурилишида архитекторлар ногиронларни ҳам унутмасалар савобли иш бўлар эди.

Соҳа мутахассислари билдирган фикр-мулоҳазалар, албатта, уларнинг касбий тажрибаси, амалий ва назарий билимларига асосланган. Инсон боласи шукроналик туйғусини ҳис қилгандагина ўзини бахтиёр сезади. Ношукурлик иймон ва эътиқодни сустлаштиради. Шукроналик эса инсонни буюклик сари етаклайди. Шукроналик туйғусини ёшлар онгига сингдиришда ота-она, маҳалла, оила ва жамоатчиликнинг ўрни катта.

**Гули ҲОЖИБОЕВА,**
**"Ниqиq" мухбири**

# ҲИМОЯСИ

касида истиқомат қилувчи фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш ҳақида"ги 1992 йил 6 апрелдаги 170-сонли қарори, "Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ҳақларининг энг кам миқдорини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни ва аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарима солиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 1998 йил 1 декабрдаги 504-сонли қарори, "Имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари фаолияти тўғрисида"ги 2007 йил 17 майдаги 100-сонли қарори, "Республика болалар ижтимоий мослашуви марказини ташкил этиш тўғрисида"ги 2004 йил 7 сентябрдаги 419-сонли қарори, "Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатишни кучайтириш тўғрисида"ги 2002 йил 29 мартдаги 106-сонли қарори ва бошқаларни мисол қилиш мумкин.

Юқоридаги қонунчилик ҳужжатларидан фарқли равишда ногиронликни белгилаш ва уларни тиббий текширишдан ўтказишнинг умумий қоидаларини белгиловчи муҳим норматив ҳужжатлардан бири - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати бошқариш тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2008 йил 8 августдаги 175-сонли Қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2007 йил 6 апрелдаги 616-сонли қарорига мувофиқ ҳамда ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада ривожлантириш, тиббий-ижтимоий ва реабилитация хизматлари кўрсатиш самарадорлигини ошириш, тиббий-меҳнат экспертиза хизмати бошқариш тузилмасини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган мазкур Қарор билан "Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ногиронларни тиббий-ижтимоий экспертиза ва реабилитация қилиш Республика инспекцияси тўғрисида" Низом, "Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари тўғрисида" Низом, "Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида фуқароларни тиббий текширишдан ўтказиш ва ногиронликни белгилаш тартиби тўғрисида" Низом, "Тиббий текширишдан қайта ўтказиш муддати кўрсатилмасдан ногиронлик гуруҳи белгиланадиган касалликлар рўйхати" тасдиқланди. Мана шу санаб ўтилган норматив ҳужжатлар бугунги кунда алоҳида ижтимоий ҳимояга муҳтож ногиронлар қатламини аниқ белгилаб беради.

Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ энг асосий норматив ҳужжат "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги 2008 йил 11 июлдаги ЎРҚ-162-сонли Қонунидир (янги таҳрири). Мазкур қонун 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинганди ва кейинчалик жамият ва давлат ривожланиши шиддат билан кечаётган бир пайтда мавжуд талабларга жавоб бермай қолди. Оқибатда мазкур қонунга керакли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди ва унинг янги таҳрири қабул қилинди. Амалдаги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам айни пайтда ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни янгича, замон талабларига мос тарзда тартибга солади. Бу ерда бир жиҳатни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак. Қонуннинг 3-моддаси - Асосий тушунчаларда ногирон тушунчасининг ўзига ҳам таҳририй тузатиш киритилди. Ушбу тушунчалар БМТнинг 2006 йил қабул қилинган "Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияга мослаштирилди. Қонуннинг 3-моддаси "ногирон болалар", "ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш", "ногиронларни реабилитация қилиш", "тиббий ижтимоий экспертиза" каби тушунчалар билан тўлдирилди. Уларнинг асосий тушунчалар сифатида белгиланиши ногиронларнинг ижтимоий мавқеини тиклаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишга оид чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнидаги тушунчалар, атамаларни тўғри, аниқ тушуниш ва татбиқ қилиш имкониятини таъминлайди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мамлакатимизда ногиронларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, улар ҳуқуқ ва манфаатларининг қонуний кафолатлари, яратилган шарт-шароитларнинг барчаси Конституциямиз ва қонунларимизда мустаҳкамлангандир. Ушбу меъёрларнинг бажарилишини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга ҳақиқатда муҳтож бўлган мазкур шахслар манфаатларини тўлалигича ҳимоя қилиш эса бизнинг шарафли вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

**Адҳам ОДИНАЕВ,**
**Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари ўқитувчиси**

# Ҳамиша эътиборда

**Кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.**

Яқинда Ўзбекистон ногиронлар жамияти раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор А.Абдусаломов номидан Хўжаобод тумани прокуратурасига ташаккурнома келди. Унда, жумладан, туманда яшовчи 3127 нафар ногиронга кўрсатилаётган мурувват, инсонпарварлик ёрдамлари, айниқса, ногиронлар жамиятига алоҳида реабилитация маркази ажратилгани ва хоналар замонавий асбоб-анжомлар билан жиҳозлангани, ночор ногиронларга имкон қадар моддий-маънавий ёрдамлар беришда ҳомийлик қилинаётгани алоҳида эътироф этилган.

Туман прокуратурасининг бу борадаги айрим ишлари билан танишдик. Биргина мустақиллик байрами арафасида ҳомийлар томонидан икки миллион сўм маблағ йиғилиб, ногирон болалар учун ўйинчоқлар тарқатилди.

— Туман прокуратурасидан миннатдормиз. Доимо кўнгли ярим фарзандларимизнинг кўнглини кўтаришни ўйлайди. Ҳайит ва бошқа байрамларда совға-саломлар билан ташриф буюришади, — дея ўз қалб сўзларини битибди ногирон фарзандларни тарбиялаётган бир гуруҳ оналар.

— "Ўзбекистон Республикасининг ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни ижроси ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳоли қатламининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида туман прокуратураси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди биз билан суҳбатда туман прокурори А.Мамадалиев. — Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш, шунингдек, ногиронлар жамияти туман бўлимини моддий қўллаб-қувватлаш ва унга кўмаклашиш мақсадида туман ҳокимининг қарори қабул қилинган. Бугунги кунда мана шу қарор асосида ишлар ташкил қилинган. Ҳар бир раҳбарга вазифа юкланган. Ўтган давр мобайнида 7 нафар ногиронга аравача берилган бўлса, уларнинг 3 таси ҳомийлар маблағи ҳисобига келтирилди. Бундан ташқари, 9 та қўлтиқтаёқ ва 4 та ҳасса берилди. 17 нафар ногирон сиҳатгоҳларда дам олиб, соғлиқларини тиклаб келишди.

**Махпура ОРТИҚОВА,**
**журналист**



# ЭССИЗ УМР...

2009 йилнинг жазирамаси. Тўсатдан қўл телефонига бўлган қўнғироқ хизмат юзасидан Самарқанд шаҳрига келиб, ишларини бажариб юрган Собир (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг режаларини ўзгартириб юбораёзди. Телефон қилган уйларининг ёнидаги магазин қоровули экан.

— Собир, яхшимисан? Қаерларда юрибсан?

— Самарқанддаман, ака. Нима гап, тинчликми?

— Ие, шунақами? Тошкентда бўлсанг, уйга келиб кетасанми дегандим. Гаражларингнинг ёнида "Дамас" машинасини кўрувдим. Аканг Ботир гараждан бир нарса олиб чиқиб, машинага ортиб кетди. Шунга сени огоҳлантириб қўймоқчи эдим...

"Оббо, акам яна бир нарсаларни бошлаганга ўхшайди-ку?! Ҳеч тинч юрмасакан-де! Буёқда шунча ишим бўлса!" У шундай хаёллар билан шоша-пиша холасига қўнғироқ қилди. Салом-аликдан кейин, қоровулдан эшитганларини айтиб, гараждан хабар олишни тайинлади. Жиянидан бу хабарни эшитган хола гаражга йўл олди. Унинг ёнма-ён жойлашган иккита гаражи бўлиб, биттасида машина турар, иккинчиси эса бўш бўлиб, уйдаги кераксиз нарсаларни қўйишар, музлатгични ҳам вақтинча ишлатиб туриш учун опасига берган эди. Аёл дарвозани очиб қараса, "Supra" русумли холодилниги йўқ. У узоқ ўйлаб ўтирмай, участка нозирига учраб, ариза ёзиб берди. Милиция ходимлари ўша куннинг ўзидаёқ гумонланувчилар қатори Ботирни ҳам саволга тутишди. Аммо у музлатгич уларнинг уйида тургани учун сотиб юборганини, бу эса ўғриликка кирмаслигини айтиб, айбига иқрор бўлмади. Орага холаси тушди. У жиянини чўчитиб қўйиш учунгина милицияга ариза берганини айтгач, Ботирни бир кун ИИБда ушлаб туриб, эртасига қўйиб юборишди. Ҳақиқатан ҳам Ботир икки кунча аввал эълон бўйича харидор топган эди. Музлатгични 340 минг сўм соттач, пулнинг маълум қисмини қарзга тўлади. Қолганига эса маишат қилди. Орадан 20 кунча ўтди...

Эрталабдан кўчада сандироқлаб юрган Ботир, қаердандир топган психотроп дорини истеъмол қилгач, газагига ароқ олиб ичди. Табиийки, "дори"лар аралашиб, кўп ўтмай кучини кўрсата бошлади. Боши айланиб, ўзини шердай сеза бошлаган Ботир, қаёққа боришни билмай, кўчада бироз айланиб юрди. Сўнг тўсатдан ўзи илгари яшаган Юнусобод туманига йўл олди. Тўғри кўп қаватли уйлардан бирига кириб, юқори қаватга кўтарилди-да, дуч келган эшикнинг қўнғироғини босди. Эшикни бир қария очди. Бу пайтда Ботир ўзини идора қила олмайдиган ҳолатга тушган эди. У ҳеч нарса демай, чолнинг томоғидан шартта ушлади-да, ичкарига куч билан итариб юборди. Чолнинг орқасида кампири турган экан. Бояқиш эрининг тўсатдан йиқилиб тушганини кўргач, жон ҳолатда "помогите" дея бақириб, ичкарига югурди. "Қочиб қаёққаям борардинг?" Ботир ўзига-ўзи шундай дея, виқор билан унинг ортидан йўл олди. Кампир ошхонага яширинган экан. Унинг орқасидан кирган Ботирнинг кўзи стол устида ётган пичоққа тушгач, совуққонлик билан уни қўлига олди. Кейин қўрқувдан дағ-дағ титраётган кампирнинг тепасига келиб, икки-уч марта пичоқ урди. Шу пайт йўлакдан овоз эшитилгандек бўлдию, Ботир ўша ёққа югурди. Қараса, чол инқиллаганча кўча эшиги томон кетаётибди. Унга етиб олдида, пичоқ билан кўкрак қисмига кетма-кет зарба урди. Чол йиқилгач, кампирдан хабар олмоқчи бўлиб, ошхонага кирди. Ерда узала тушиб ётибди. Ундан "хотиржам" бўлиб, чолнинг ёнига қайтди. Чолнинг жони қаттиқ экан шекилли, ўрмалаганча яна кўча томон йўл олибди. Ботирнинг жаҳли чиқиб кетди. Шартта унинг ёқасидан ушлаб, меҳмонхонага судраб кирди. Диванга ўтқазиб, ошхонага йўл олди. Кампир хириллаб ётган экан. Шундан кейингина бошқа хоналарга кириб, ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қила бошлади. Кўп ўтмай, 1 млн. сўм пул, 800 минг сўмлик тилла соат, 40 минг сўмлик кулон билан зиракни чўнтакка уриб, 50 минг сўмлик паласни эса қўлтиқлаганча хонадонни тарк этди.

Эртаси куни чол-кампирнинг қўшнилари уларнинг эшиги олдида қон изларини кўриб, милицияга хабар беришди...

Ботир ҳали 40 ёшга ҳам тўлмаган. Аммо, афсуски, шу пайтгача бир эмас, беш марта судланишга улгурди. Биринчи марта 25 ёшида судланиб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган эди. Бироқ, бу жазо унга сабоқ бўлмади. Ундан тегишли хулоса чиқармай, янгидан-янги жиноятларга қўл урди. Охир-оқибат эса, бири 80 яшар, иккинчиси эса 76 ёшли икки қариянинг умрига зомин бўлди. Мана энди, яна панжара ортига равона бўлди. Бу сафар узоқ муддатга. Начора, бундай ҳаётни унинг ўзи танлади.

**Баҳриддин ТУРСУНОВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим катта прокурори**



# ХАЗОН БЎЛГАН ЁШЛИК

Ўтган йил октябрда Қўшкўпир туманидаги "Ўртаёп" қишлоғига келин бўлиб тушган Ш.Раҳимова (исм-шарифлар ўзгартирилган) турмуш ўртоғи Э.Маҳмудов билан бахтли ҳаёт кечираётганди.

Тўй ўтказиш учун куёвнинг онаси М.Шарипова синглисидан бироз қарз олганди. Қарзни узиш мақсадида оила бошлиғи жорий йилнинг март ойида ишлаб, пул топиш мақсадида Тошкентга йўл олади. Кейинчалик у иккала ўғлини ҳам ёнига чақиради. Ўғиллар қурилишда ишлаб, даромад топиш учун 14 апрель куни пойтахтга жўнаб кетадилар.

Орадан беш-олти кун ўтиб, Ш.Раҳимова онасининг уйига хабар олгани келади ва икки кун қолиб кетади.

— Ойи, эрим Тошкентдан келгунча сизларникида яшаб турай, у ёқда зерикиб кетдим.

— Қизим, янги келинсан, уйингга бориб, қайнонанг билан бирга бўл, — дея онаси розилик бермайди.

Келин ночор уйига қайтиб келади. Бу пайтда унинг беш ойлик ҳомиласи бўлиб, соғлиғи ёмонлашади ва кам қонлиги туфайли шифокорларга учрайди. Унга зарур дориларни ичишни тавсия қилишади. Шундай кунларнинг бирида қайнона-келин бозорга боришади ва қайнонаси "Қонинг кўпаяди", дея унга турли хил мевалардан олиб беради.

— Онажон, бу нарсалар учун раҳмат. Аммо мен шифохонага ётиб даволанишим керак экан, — дейди келин миннатдорчилик билдириб.

— Қайнотанг пул юборсин. Дори-дармонни кейин олиб бераман. Ўшанда даволанасан.

Уйга қайтишгач, келин чой қўйиб, дастурхон ёзади. Чой ичиб ўтирганларида уяли телефонга хабар келади. Ўқиб кўришса, Қозоғистонда ишлаб келган М.Салимова холаси М.Шариповадан қолган 200 АҚШ долларини талаб қилаётган экан...

25 апрель куни эрталаб ҳовлида М.Шарипованинг ўткир ҳамда тўмтоқ жисмлар билан 46 та жароҳат етказилган жасади топилди. Ўта ваҳшийлик билан содир этилган жиноят натижасида марҳуманинг чап ва ўнг томон 13 та қовурғаси синган эди. Уйда марҳума билан бирга бўлган ягона гувоҳ — келин Ш.Раҳимова судда қуйидагича кўрсатма берди:

— Эрталаб қайнонам ўрнидан туриб, ташқарига чиққан пайт чап қўлида болта, ўнг қўлида пичоқ ушлаган М.Салимова кириб келиб, овозингни чиқарсанг ўлдираман, деб қўрқитди. Бироздан кейин қайнонам соат олти бўлибди, ҳали эрта экан, яна 5 дақиқа ётай, деб кириб келди ва устига кўрпани ёпиб, ёнбошлади. М.Салимова яширинган жойидан чиқиб, холасининг бош қисмига болта билан урди. Қайнонам воҳ, деб бақирди. М.Салимова унинг бошига бир неча марта болта билан уриб, бўйин қисмига пичоқ санчди. Қайнонамни ўлдиргач, уни судраб боққа олиб чиқди ва қон оқмасин, дея бошига қоп кийдирди. Ҳамма воқеани ўз кўзим билан кўриб турдим. М.Салимова пичоқни ушлаб туриб, уйдаги қонларни артишга мажбур қилди. Соат етти яримда М.Салимова итингни ол, деб боғ деворидан ошиб, чиқиб кетди. Мен келин бўлиб тушгандан буён М.Салимовани кўрмаганман...

Ш.Раҳимова дастлабки тергов пайтида турли хил кўрсатма берганди. Унинг кўрсатмаси бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари М.Салимовани уйидан олиб келишади. Ш.Раҳимова билан учраштиришганда, у "Ҳа, танидим. Шу аёл эди", дейди. Бироқ, М.Салимованинг чап қўли пичоқдан жароҳатланган бўлиб, Хоразм вилоят суд тиббий экспертизаси Қўшкўпир туман бўлинмасининг хулосасига кўра, яранинг келиб чиқиш муддати 17 апрелга, яъни қотилликдан бир ҳафта олдинга тўғри келар эди. Шу билан бирга яраланган чап қўл билан болта ушлаб бўлмаслиги ўтказилган экспертизада ҳам ўз тасдиғини топди.

Шунингдек, воқеа жойи кўздан кечирилганда боғ деворида ва ён-атрофда ҳеч қандай из топилмади. М.Салимованинг кийим-кечакларида қон доғи бўлмаган ва у 2 метрлик деворни ошиб ўтишга ҳам қодир эмасди. Ундан ташқари, уйдаги қопағон ит эса ичкарига бегона кимсаларни йўлатмасди.

Қотиллик соат олтида юз берганлиги ҳам ўз тасдиғини топмади. Суд тиббий экспертиза хулосасига кўра М.Шарипова тунги соат уч-тўртлар орасида ўлдирилган. Ш.Раҳимованинг кийимларида ва ётоқхонада қон доғлари топилган. Жиноят қуроли бўлган болта эса фақатгина хонадон аъзолари биладиган жойда, яъни, гаражда сақланган.

Судлов ҳайъати судланувчи Ш.Раҳимованинг юқоридаги кўрсатмаларини жазодан қутилиш учун қилинаётган ҳаракат деб танқидий баҳолашни лозим топди. Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг ҳукмига асосан Ш.Раҳимова ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилди ва ўта шафқатсизлик билан қасддан одам ўлдиргани учун ўн беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Шифохонага даволаниш учун ётқизмагани ва эри келгунча туғилиб ўсган уйида қолишига рухсат бермагани учун келин қайнонасини ўлдиришгача бориб етди. Бундай ёвуз ҳаракати билан эса нафақат ўзининг ёш умрини хазон қилди, балки туғилажак фарзандини ҳам ота-онаси бағрида ширин ҳаёт кечириш бахтидан маҳрум этди.

**Гулимбой ЯНГИБОЕВ,**
**Хоразм вилоят прокуратураси АМИБ катта терговчиси**
**Фарҳод МУҲАММАДИЕВ,**
**журналист**

# ҚИЛМИШ ҚИДИРМИШ

Ҳаёт биз билгандан кўра сирли, жумбоқли. Ҳамиша ҳам ўйлаганимиздек бўлиб чиқавермайди. Аммо бир нарса аниққи, яхшидир-ёмондир ҳар бир амалимизнинг жавоби бор. Лекин айримлар бу ҳақиқатни билиб туриб ҳам ўз нафсининг ортидан югуради. Инсон ўзлигини, виждонини унутар экан, худбинлик, баднафслик унинг кўзини кўр қилиб қўяди. Донишманд айтганидек: "Ҳаётдан кимки олмаса таълим, унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим".

Бошқа касб-ҳунари бўлмаган Роҳила Ниёзова (исм-шарифлар ўзгартирилган) майда-чуйда нарсалар сотиш билан шуғулланар, шунинг орқасидан дурустгина ҳаёт кечириб, рўзғорини бинойидек тебратаётган эди. Ёйма бозор ўрнини супурувчиларга пул йиғиш билан шуғулланиб юриб, кўпроқ даромад қилиш режаси пайдо бўлди. Агар ўйлаган ишлари амалга ошса, пичоғи мой устида бўлишини ўйлаб, оромини йўқотди. Илгари икки марта судлангани ҳам унга сабоқ бўлмади. Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмаслигини яхши билган Роҳила ўзига шерик қидирди. Энг аввало, унга яқиндан ёрдам бериб, қўллаб-қувватлаб турадиган ишончли ҳамкор керак эди. Бу ишда синглиси Раҳимадан бошқа одам унга панд бериб қўйиши мумкинлигини биларди. Шунинг учун режасини синглисига айтиб, уни ўз ёнига олди.

Опа-сингиллар бозорда ҳеч қандай вазифада ишламаса-да, ўзларини "паттачи" деб кўрсатиб, "Эски Жўва" бозори ҳудудида жойлашган ёйма бозорда хўжалик моллари, кийим-кечак каби нарсалар билан савдо қилувчиларнинг ҳар биридан кунига бир-икки минг сўмдан йиғиб олишни йўлга қўйдилар ва аста-секин ёйма бозор ҳудудидаги жойларни ўзаро тақсимлаб олдилар. Раҳима ҳам опаси каби гапга чечан бўлгани учун, одамнинг енгидан кириб қўйнидан чиқар, энг хасис кишидан ҳам тузукроқ пул ундирарди. Аммо ишнинг асосий "ташкилотчиси" опаси бўлгани учун унинг чизиғидан чиқмасди.

Албатта, сотувчилар ўртасида эътирозлар ҳам бўлиб турарди. Чек беришни талаб қилган сотувчиларга: "Бу ёғи билан ишинг бўлмасин! Патта учун пул олганимиздан сўнг ким сўраб келса, менга жўнатасан! Сен эл қатори савдоингни қилавергин" дерди Роҳила.

Одатдаги кунларнинг бирида пул йиғиб юрган Роҳила кийим-кечак сотувчиси бўлган 20 ёшли Элёр Расуловнинг олдига келиб 1500 сўм сўради. Элёр ҳали савдо қилмаганини, ёнида пули йўқлигини айтди.

— Нима, яна келаманми олдингга? Ёнингдагилардан бўлса ҳам топиб бер! — ўшқирди Роҳила. Элёрнинг ҳам кайфияти бузилди.

— Ўзи нега сизга пул беришим керак? Бирор марта чек бермаган бўлсангиз?

— Пулни олдимга ўзинг олиб бориб берасан, — дея Роҳила савдо растасидан нархи 8000 сўмлик "Youngclub" белгили, ичида 10 дона рўмолчаси бўлган кутичани зўрлик билан тортиб олди. Элёрнинг ёнгинасида савдо қилувчи аёлнинг йигитга раҳми келди: Роҳилани тўхтатиб 1500 сўм берди ва рўмолчаларни олиб эгасига қайтарди. "Замона зўрники, томоша кўрники", деб билган устомонлар пул бермаганларни "бозорда савдо қилдирмайман", дея қўрқитиб, зўрлик билан товарларидан олиб қўйишарди.

Маҳмуд Жўраев ҳам худди шу бозорнинг "жангтоҳ" майдонидаги ёйма қаторларда майда хўжалик моллари сотиш билан шуғулланади. Ҳар галгидек, соат 11-00 ларда Роҳила ва унинг шериклари "патта учун" деб пул сўраб келишди. М.Жўраев пул бермаслигини айтгандан сўнг, умумий нархи 4000 сўмлик ғалтак ипларини олиб қўйишди ва Роҳиланинг шериги Маҳмудга "менинг савдо қиладиган жойимни биласан, пул берсанг, бориб нарсаларингни оласан" деб кетди. Маҳмуд ҳам 2000 сўм тўлаб, ғалтак ипларини қайтариб олди.

"Қилмиш-қидирмиш" дейдилар. Ёйма бозорда "патта учун" дея пул йиғиб, ўз чўнтагига уриб, мўмай даромад топаётган товламачилар гуруҳи зўравонлигига 2008 йил ёз кунларининг бирида, Тошкент шаҳар ИИББ ЖҚ ва ТҚКБ ходимлари саъй-ҳаракатлари билан чек қўйилди. Суд айбдорларнинг қилмишига яраша жазо тайинлади.

**Баҳодир ПЎЛАТОВ,**
**Шайхонтоҳур туман прокурори**
**Одина ЭРГАШЕВА,**
**журналист**

Нидиқ

# Сирли Қотиллик

**Гулруҳ ЁРМАТОВА**

**(Охири.
Бошланиши ўтган сонларда)**

— Қани, унинг кўрсатмаларини беринг-чи?

— Марҳамат.

... Ёши 21-22лар атрофида. Бўйи калтароқ. Аммо бақувват. Спортсменларга ўхшайди. Панжалари катта-катта. Айниқса, бармоқлари жуда йўғон (У аёлга калит ташлаб кетаётганда бу яққол кўзга ташланган). Ранги қора, кўзлари қисиқроқ, сочлари тикка-тикка. Юз тузилиши тўртбурчаксимон. Қошлари қалин. Сал букчайиброқ юради. Алоҳида белгилари йўқ. Кўринишидан қишлоқ йигитларига ўхшайди..."

— Яхши, — деди Нуриддинов Мирзақулов узатган кўрсатмаларга тез-тез кўз югуртириб чиқаркан. — Тезда йигитнинг фотороботини тайёрлатинг. Кейин яна ижарачи кампирнинг олдига боринг. Бу сафар фуқаро кийимида. Квартира қидириб юрибман, денг. У қилинг, бу қилинг, хуллас кампирдан йигит ҳақида маълумот олинг.

— Хўп бўлади, Тоҳир Саломович.

— Ҳа, айтмоқчи, кампирни алкаш деганмидингиз?

— Худди шундай.

— Унда яримта ҳам олволинг. Ўртага қўйиб майдалаб дегандек, а? Эҳтиёт бўлинг, яна кайфингиз ошиб қолмасин.

— Йўғ-э, иложи борича ичмасликка ҳаракат қиламан.

— Ичмасликка эмас, маст бўлмасликка ҳаракат қилинг.

— Хўп бўлади.

Мирзақулов кетгач, Нуриддинов тезкор тергов гуруҳи ходимларидан бирини чақирди.

— Қизнинг холасини яхшилаб ўрганинг. Шаҳардаги таниш-билишлари, қариндош-уруғлари ҳақида маълумот тўпланг. У ҳақдаги маълумотлар эртагаёқ столим устида бўлсин. Тушунарлими?

— Тушунарли, ўртоқ Нуриддинов.

Бу ҳақда маълумот тўплаш тезкор тергов гуруҳи ходими учун унчалик қийин кечмади. Эртаси куниёқ маълумотлар қўлига келиб теккан Нуриддинов ўйланиб қолди. Қоғозга кўз югуртираркан, аёлнинг ноқонуний тарзда ўзидан ўн олти ёш катта кишига иккинчи хотин бўлиб текканлиги диққатини тортди.

"...Эри — Сатторов Ҳусан Қаюмович фалон-фалон жойда ишлайди". Шу ерга етганда Нуриддинов "ўҳў" деб юборди. Бирдан аёлнинг дадиллиги ёдига тушди. Бекорга эмас эканда. Эҳтимол, эри ўзим бор, қўрқма, дея пухталаб қўйгандир. Нуриддинов тез-тез мулоҳаза қила бошлади. Хўп, эри борлигини яширганлигини тушунса бўлади. Ўзи бор-йўғи иккинчи хотин бўлса. Яна эри казо-казо идорада ишларкан. Супраси қуруқ бўлса ҳам, ҳар ҳолда номи улуғ. Аёл бир-иккита ўзига ўхшаган бозорчи хотинларга мақтанган бўлиши мумкин: "шунга тегдим", деб. Эҳтимол, иккинчи хотин ҳам эмасдир. Шунчаки бир ўйнашдир. Бу ўз йўлига. Аммо нега жияни билан ораларидаги жанжални яширяптийкин?

Бу ишга эрининг алоқаси бормикан ё? Аммо эри бошқа туманда, аёл эса бошқа туманда яшашади-ку? Хўп, ҳар-ҳар замонда учрашиб туришаркан. Унда ҳам эрининг квартирасида. Эрининг биринчи хотини қишлоқда яшаса, у ким билан яшаркин? Эркак киши, "иссиғи бор, совуғи бор" дегандек. Ҳар ҳолда, шунча йилдан буён бир ўзи яшамас. Буни ҳам аниқлаш керак.

Нуриддинов прокурор тайинлаганидек бир ҳафтада рапорт тайёрлай олмади. Иш баттар чигаллашиб кетди. Қизнинг таниш-билишлари, курсдошлари сўроқ қилинди. Аммо улар орасида қўшни аёл айтган ёши каттароқ йигит йўқ эди. Милициядагилар азбаройи чарчаб кетганларидан бир-иккита гумондорларнинг бўйнига мажбуран айб қўймоқчи бўлишди. Аммо Нуриддинов уларнинг барча уринишларини чиппакка чиқарди. Унинг назарида қотил улар мутлақо кутмаган ва қидирмаётган киши эди. Аммо ўша ким? Мирзақулов ижарачи кампирни гапга солиб, йигит ҳақида анча маълумот олиб келди. Кампирнинг айтишича, бир йигит (унинг кўриниши қўшни аёл таърифлаган йигит билан бир хил бўлиб чиқди) "жиянимни квартирага жойлаштирмоқчиман", деб ундан ижарага уй сўрайди. Кампир рози бўлгач, у негадир уч ойлик ижара пулини бирдан беради. Ҳатто яримта учун деб ортиқча пул ҳам беради. Аммо кампир қиз унинг жияни эмаслигини дарҳол пайқаган. Газ мурватини охиригача бураса, олов чиқиб кетиши мумкинлигини тайинламоқчи бўлиб ортига қайтганида, йигит қизни диванда қучоқлаб ўтирганини кўриб қолади. Аммо алдаганидан хафа бўлмайди.

Нуриддиновнинг боши қотди. Прокурор ҳар куни телефон қилади "нега чўзаяпсиз?" деб. Атайлаб қилаётган бўлсайкан. Ишни шошма-шошарлик билан ёпиб бўлмайди-ку! Улар қон ютаётган шу лаҳзаларда қотил бемалол озодликда юрибди. Эҳтимол, устиларидан кулаётгандир. Нуриддинов қизнинг холасини эслаcа, тишлари ғижирлаб кетади. Назарида, қотиллик айнан шу аёл билан боғлиқдек. Аёлни гумонланувчи сифатида уч кун ҳибсда ҳам сақлашди. Аммо ундан ҳеч гап олиб бўлмади. Унга жуда пишиқ, айнан органда ишлайдиган киши йўл-йўриқ кўрсатаётгандек эди. Биринчи сўроқ вақтидаги довдирашдан, ўзини йўқотиб қўйишдан асар ҳам қолмаган. Ҳар бир саволга, ҳатто илмоқли саволларга ҳам ўйлаб жавоб беради. Нуриддинов ундан энди ҳеч қандай гап ололмаслигини билди. Тергов ишига мутлақо бошқа томондан ёндашди. Тонг саҳар манзил бўйича аёлнинг эри яшайдиган туманга йўл олди. Қўлида эркакнинг сурати. Ҳар ҳолда, қўшнилар таниса керак. Кўп қаватли уйларнинг панасида туриб, унинг ишига кетишини кутди. Ниҳоят, саккизлардан ўтгач, Ҳусан Сатторов йўлакда пайдо бўлди. Жуда пўрим кийиниб олган, юзи хотиржам. Унинг қораси ўчиши билан Нуриддинов "лип" этиб подъездга кирди. Сўнг учинчи қаватга кўтарилди.

— Ким керак? — деди эшикни очган 21-22 ёшлардаги майкачан йигит. Нуриддинов дарҳол унинг эшик кесакисини ушлаб турган панжаларига аҳамият қилди. Бармоқлари ҳам йўғон-йўғон, худди ўқлоғдек.

— Мен Ҳусан Сатторовнинг яқин оғайнисиман. У кишида ишим бор эди.

— Далам ҳозир ишга кетдилар.

— Афсус, улгурмабман, — деди Нуриддинов хафа бўлгандек. — Илтимос, телефон қилиб олай, бир дақиқага.

— Майли, киринг, — йигит иккиланиброқ уни ичкарига таклиф қилди.

Нуриддинов ётоқхона ёнидаги уйда турган телефондан у ёқ, бу ёққа ёлғондан телефон қилар экан, зимдан уйни кузата бошлади. Эҳтимол, марҳумага тегишли у-бу нарса бордир.

— Бирор жойга бормоқчи эмасмисиз, вақтингизни олмаяпманми? — деди хижолат чеккандек.

— Ярим соатлардан сўнг кетаман. Бугун биринчи пара йўқ.

— Ие, студентмисиз? — Нуриддинов ажаблангандек, сездирмай сўроққа тута бошлади.

— Ҳа, алоқа коллежида ўқийман.



— Мен сизни спортчи бўлсангиз керак, деб ўйлабман, — деди Нуриддинов унинг бўртиб турган мушакларига ишора қилиб. Йигит мағрур илжайди.

— Ҳа, спорт билан шуғулланиб тураман.

— Қайси тури билан?

— Бокс.

— Ў-ҳў, зўр-ку! Ҳали боксёрман, денг.

— Шундай деса ҳам бўлади.

— Тўй қачон энди? Келиннинг қўлидан қачон чой ичамиз.

Йигит ёйилиб илжайди.

— Ҳали бор, — деди бироз уялинқирагандек. — Ўқишларни битказиб олайлик-чи.

— Шундай йигитга ошиқ бўлган қизлар кўпдир, а? Ё, ўзим зўридан топиб берайми? Танлаганингиз борми?

. Йигит бир муддат иккиланиб қолди. Юзида ҳозиргина жилва қилиб турган табассум ўчгандек бўлди.

— Йўқ, танлаганим йўқ. Онам кимни олиб берсалар, шунга уйланаман.

— Мана бу ҳақиқий ўғил болача гап бўлди. Оналар ҳеч қачон болаларини ёмон йўлга бошламайдилар.

Тоҳир Нуриддинов йигит билан хайрлашиб кўчага чиқар экан, унинг "дадамга нима деб қўяй?" деган саволига "ўзим телефонлашаман", дея шошиб тушиб кетди. Йигитчага "дадангизнинг телефонини ёзиб беринг" деб берган бир варақ қоғозни чўнтагига авайлаб солар экан, ундаги бармоқ изларини альбомчадаги излар билан бир хил чиқишига ишончи комил эди. Шундай бўлди ҳам. Йигитни қамоққа олиш учун зарур бўлган ашёвий далиллар тўпланди ва у ҳибсга олинди. Нуфузли жойда ишлайдиган даданинг нуфузли курсидан ажралиши тайин бўлиб қолди шекилли, у қўрққан олдин мушт кўтарар қабилида Нуриддиновга дағдаға қила бошлади. Аммо Нуриддинов бундай ҳолатларга кўникиб кетган эмасми, парво ҳам қилмади. Аксинча, ишни тезлаштириб, судга оширишга тайёрлай бошлади.

Мана, ўша, неча кунлардан буён тергов ходимларини оворai-сарсон қилаётган қотил йигит. Кўринишидан туппа-тузук, ҳамма оддий йигитлардай. Аммо қилмиши... Сурат билан сийрат ҳеч қачон мутаносиб бўлмайди, деганлари рост экан.

— Танлаганим йўқ, дегандинг. Яхши кўрган қизинг, ҳатто уч ойлик боланг ҳам бор экан-ку? — деди Нуриддинов дабдурустдан.

— Уни ҳеч қачон яхши кўрмаганман, — деди йигит кўзларини чақчайтириб.

— Яхши кўрмасанг ҳам яқин муносабатда бўлгансан. Сизларнинг тилингиз билан айтганда, шунчаки ўйнатгансан, шундайми?

— Ўйнатишга ҳам арзимайди у. Мен ўч олганман, ўч!

— Ў-ҳў, боксёримиз қасоскор чиқиб қолдилар-ку. Сир бўлмаса, кимдан ўч олганлар? Ҳимоясиз, ожиза бир қиз боладанми?

— Ҳа! Кимлигининг менга фарқи йўқ. Улар ҳам қийналсин, улар ҳам азоб тортсин. Жудолик қандай бўлишини билсин. Холаси бизни дадамдан жудо қилди, онамдан юз ўгиртирди. Шу битта хотинини деб дадам йигирма олти йиллик рўзғоридан воз кечиб, бизни ташлаб кетди.

— Хосиятда нима гуноҳ? — деди Нуриддиновнинг жаҳли чиқиб.

— Онамда нима гуноҳ? — бақириб юборди йигит. — Чанг тупроққа беланиб, қишин-ёзин қўй-қўзининг ортидан югуриб, саккизта болани ёлғиз ўзи боққанимми?! Емай-ичмай йиққанини қўшқўллаб отамга тутқазганими? Қозонимизда ойлаб гўшт қайнамасди. Биттагина қўйимизни сўйлик, она, десам, отангга аталган, у уришади, дердилар. Дадам эса бу ёқда биз жазирамада жизғанагимиз чиқиб, қишда қалтираб қўйқўзи қилиб топганларимизни хотинчаси-ю ўгай болаларига аямай сарфлаган. Уй олиб берган, қўша-қўша тақинчоқлар тақиб қўйган. Онам бечора ҳали тилла билан миснинг фарқига бормайди. Ахир саккизта бола фақат уникими? Эсимни таниганимдан буён отам билан бир дастурхон атрофида ўтирганимизни ёки байрамларни бирга нишонлаганимизни эслолмайман. Отамиз бўла туриб ота меҳрига, қўрамиз тўла қўй бўла туриб бир тишлам гўштга зор бўлиб ўсдик.

— Нега шу гапларни отангга айтмагансан?

— Фойдаси бор, деб ўйлайсизми?! Отамнинг кўрар кўзи, юрар йўли ўша аёл-ку! Ҳатто иккита боласини фамилиясига ҳам ўтказиб олган. Шаҳарда ўқишади. Энг зўр кийимлар кийишади. Албатта, буларнинг ҳаммаси бизнинг, касалманд онамизнинг ҳисобидан. Хотинчасининг бозордан топгани ўзининг упа-элигидан ортмайди. Ҳозир шаҳар четида участка қуряпти.

— Нодир, балки гапларинг тўғридир. Лекин одам ўлдириш жиноят. Жуда оғир жиноят. Бунинг учун сени жазо кутяпти.

— Биламан. Аммо Хосиятни ўлдирмоқчи эмасдим. Ишонинг. Ўзи жаҳлимни чиқарди. Шаллақилик қилиб, уйланмасанг отангга айтаман, ҳаммангни шарманда қиламан. Сени қамоқда чиритаман, деди.

"Қамоқда чирийдиган бўлсам, сени ўлдириб чирийман" деб жаҳл устида бўғгандим, хириллаб қолди. Қўрқиб кетдим. Балконда турган тошни олиб, бир-икки ургандим, тинчиб қолди. Кейин қилиб қўйган ишимдан ваҳимага туша бошладим. Изни йўқотиш, мендан шубҳаланмасликлари учун ўзимга тегишли нарсаларни целлофан қопга тиқдим. Хосият билан тушган расмларни альбомчадан суғуриб олдим.

— Хосият билан қаерда танишгансан?

— Дадамнинг уйида. Холаси туғилган кунини ўша ерда нишонлаганди. Хаёлимда ҳам йўқ эди, ўзи суйкалди.

— Уни ўлдирганингни даданг билганми?

— Йўқ, бирор ойлардан сўнг айтганман.

— Ўгай онанг-чи?

— У ҳам билган. Дадам айтган.

— Демак, иккови ҳам қилмишларингдан хабардор бўлишган, шундайми?

— Ҳа.

— Нега ўгай онанг сени айтмади, деб ўйлайсан. Ахир сендан кўра унга жияни азизроқ эмасми?

— Жияни эмас, дадам азизроқ. Аниқроғи, дадамнинг обрўйи, пуллари азизроқ унга. Агар мени сотса, дадам ишдан кетади. Чунки дадамнинг ишида оиласида судланганлар бўлмаслиги керак. Мана кўрасиз, дадам ишдан кетиши билан у аёл ҳам ташлаб кетади.

— Мана, энди даданг ҳам ишдан кетади. Ҳатто билиб туриб жиноятни яширганлиги учун оғир жазога ҳам тортилиши мумкин.

— Майлида. Бизга насиб қилмаган дада, унинг обрў-эътибори, нуфузи бошқаларга ҳам насиб қилмасин. Олдинроқ шундай бўлиши керак эди...

Тоҳир Нуриддинов ишни судга оширар экан, елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди. Аммо ёшгина йигитнинг қалбидаги ёвузлик, ўч олиш истаги, қилмишидан ғурурланиш ҳисси қалбини оғир тошдек эзарди...

ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН

**Республика Кўчмас мулк биржаси
ЁАЖ аъзолари диққатига!**

"Республикаси Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ барча биржа аъзоларини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига биржа аъзолари томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича маълумотларни тақдим этишда фойдаланиладиган дастур билан таништириш ва дастурдан фойдаланиш бўйича ўқув семинар машғулотларига таклиф қилади.

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ Марказий аппарати, Тошкент шаҳар, Тошкент вилояти ва Сирдарё вилоят филиалларида фаолият юритаётган биржа аъзолари учун ўқув семинар машғулотлари Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Ўразбоев кўчаси 1а-уй манзилида 2009 йил 10-11 декабрь кунлари соат 11.00 да ўтказилади. Биржанинг бошқа ҳудудий филиалларида фаолият юритаётган биржа аъзолари учун ўқув семинар машғулоти 2009 йил 10-11 декабрь кунлари соат 11.00 да ҳудудий филиаллар жойлашган манзилда ўтказилади. Ушбу ўтказиладиган ўқув семинар машғулотларига барча биржа аъзолари қатнашишлари шарт.

Қўшимча маълумот учун қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин (8371) 228-80-27. www.rkmb.uz.

**"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ Хоразм вилоят филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

РКМБ Хоразм вилоят филиали ДМҚ Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда, 2009 йилнинг 7 январь куни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й.Бобожонов кўчаси, 23-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун қуйидаги ер майдонларини очиқ аукцион савдосига қўймоқда:

1. Хива тумани "П.Маҳмуд шаҳарчаси" ҳудудида жойлашган, ҳар бирининг юзаси 400 кв.метр бўлган №1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51, 52, 53, 54, 55, 56 ер майдонлари. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 70000 сўм.

2. Хива тумани "Шамахулум" қишлоғи "Чанашиқ" посёлкаси ҳудудида жойлашган, ҳар бирининг юзаси 600 кв. метр бўлган (шундан 400 $м^2$ якка тартибда уй-жой қуриш учун ва 200 $м^2$ деҳқон хўжалиги юритиш учун) №1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 ер майдонлари. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 300000 сўм.

3. Хива тумани "Ғовук-кўл" посёлкаси кенгайиш қисми ҳудудида жойлашган, ҳар бирининг юзаси 400 кв.метр бўлган № 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12 ер майдонлари. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 200000 сўм.

4. Боғот туман Хўжалик қишлоғи Майда миллат маҳалласи ҳудудида жойлашган юзаси 600 кв.метр бўлган № 14 ер майдони. Бошланғич баҳоси - 150000 сўм.

Юқоридаги ер майдонлари 2009 йил 7 январдаги очиқ аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2009 йил 14,21 ва 28 январь кунлари сотилгунга қадар бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан уч кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан уч кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашувчилар қуйидагиларни тақдим этишлари шарт:

- Кўрсатилган ер майдонини сотиб олиш учун ариза, ҳуқуқий ҳужжати нусхаси;

- Бошланғич баҳонинг 100 фоизи миқдорида гаров пулини РҚМБ Хоразм вилояти филиалининг МФО: 00580, ИНН: 200933850, АТИБ "Ипотека" банки "Тинчлик" филиалидаги 20210000700571452056 ҳисоб рақамига тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжатининг асл нусхаси. Манзил: Хоразм вилояти Урганч шаҳри Й.Бобожонов кўчаси, 23-уй. Тел: 8(362) 226-43-64 www.rkmb.uz **Лицензия: DB 001 №000004.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЛИЙ ТЕХНИК МАКТАБИ ЖАМОАСИ




## Ўзбекистон халқини ва меҳмонларини Асосий Қонунимиз қабул қилинган кун билан самимий қутлайди!

**Конституциямизда белгиланган ҳуқуқий-декмократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ишларингизга куч-қувват тилайди!**

## "POYTAXT AUKSION" DUK

### 2010 yilning 7 yanvar kuni auksion savdolarini o'tkazadi. Auksion savdolari soat 11-00da boshlanadi.

Auksion savdolariga quyidagi avtotransport vositalari qo'yiladi:

Toshkent shahar, Shayxontoxur tumani, Navoiy ko'chasi, Savdo rastasi, 1-binoda joylashgan, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat Don inspeksiyasi tasarrufidagi 2006y. i/ch, d/r 10 BC 535 bo'lgan, "Nexia Donc GLE". Boshlang'ich bahosi 8 500 000 so'm, zakalat miqdori 1 700 000 so'm.

Toshkent shahar, Yunusobod tumani, Mustaqillik maydoni, 5-uyda joylashgan, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Narkotik moddalarni nazorat qilish milliy axborot-tahlil markazi tasarrufidagi - 1996y. i/ch, d/r 10BF405 bo'lgan, "Hyundai". Boshlang'ich bahosi 16 700 000 so'm, zakalat miqdori 3 340 000 so'm, 1997y. i/ch, d/r 10AP346 bo'lgan, "Nexia". Boshlang'ich bahosi 5 500 000 so'm, zakalat miqdori 1 100 000 so'm, 1997y. i/ch, d/r 10UZ982 bo'lgan, "ГАЗ-3110". Boshlang'ich bahosi 3 500 000 so'm, zakalat miqdori 700 000 so'm.

Mazkur avtotransport vositalari yuqorida belgilangan savdo kunida sotilmagan taqdirda 2010 yilning payshanba kunlari o'tkaziladigan savdolarga qo'yiladi.

Savdolarda qatnashish uchun yuqorida ko'rsatilgan miqdordagi zakalat puli "POYTAXT AUKSION" davlat unitar korxonasining ATIB "Ipoteka-bank"ning Shayxontoxur filialidagi FA 00425, STIR 204399967, 20210000004243151002 xisob raqamiga o'rnatilgan tartibda to'lanadi.

Buyurtma qabul qilish auksion savdolaridan bir kun avval soat 18-00da to'xtatiladi.

Savdo g'olibiga savdo kunidan boshlab yigirma kun muddat ichida oldi-sotdi shartnomasini imzolash, to'langan zakalat miqdori sotib olish to'lovi miqdorining 15 foizidan kamini tashkil etgan taqdirda etishmayotgan summani shartnoma tuzulgunga qadar to'lab berish shartlari yuklatiladi.

Savdolar o'tkaziladigan quyidagi manzildan qo'shimcha ma'lumotlar olish mumkin: 100060, Toshkent shahri, Mirobod tumani, Amir Temur shox ko'chasi, 16"A"-uy.

Aloqa telefoni 233-23-49, telefaks 233-23-40, elektron pochta P-A_DUK@mail.ru

## "Respublika Mulk-Auksioni" ДК очиқ Аукцион савдоларига таклиф этади

2010 йил 5 январь соат 15.00дан бошлаб бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидаги очиқ Аукцион савдосига Тошкент шаҳрида жойлашган "Ko'chmas mulk va sarmoyalar agentligi" ЁАЖнинг 30 фоиз давлат акция пакети қўйилади. Сотишга мўлжалланган акциялар сони 6750 дона.

**Бошланғич баҳоси 35 500 000 сўм.** Закалат пули миқдори 5 325 000 сўм.

**Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уйда, ДМҚ биноси 5-қаватдаги мажлислар залида бўлиб ўтади.**

Ушбу кундаги аукцион савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилса, такрорий аукцион савдоси 2010 йил 19 январь, 2, 16 февраль кунлари соат 15:00 дан бошлаб ўтказилади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин (соат 12.00да) тўхтатилади.

**Аукцион савдоси ғолиблари** савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида сотувчи билан давлат активи олди-сотди шартномасини имзолаши, тўланган закалат пули миқдори ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоизидан камини ташкил этса, етишмаётган суммани олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

**Аукцион савдоларида қатнашиш учун** юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда 2 нусхада топширишлари шарт.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг, "Respublika Mulk-Auksioni"ДКнинг ХОАТБ "InfinBANK" МФО-01041,СТИР-206761326, 20210000804537599001 ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари шарт.

**Қўшимча маълумотни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:** 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биноси, 1-қават чап қанотдаги савдолар зали. Телефон: 239-83-82 Факс: 150-34-46. **Email: info@mulk.uz; www.mulk.uz**

## "Aktiv Broker" ДК биржа савдоларига таклиф этади

| № | Мулкнинг номи | Баланс сақловчининг номи ва манзили | Манзил | Давлат активининг қисқача тавсифи | Мулкнинг бошланғич нархи (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|
| **2010 йил 4 январда "Республика кўчмас мулк биржаси" АЖнинг биржа савдоларига чиқарилаётган давлат корхоналари, объектлари (улуш, мол-мулклари) рўйхати** | | | | | |
| 1 | "Олимпия" болалар соғломлаштириш оромгоҳи | "Гулистон Тажриба таъмирлаш машинасозлик заводи "Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри | Жиззах вилояти, Янгиобод тумани, Хўжамушкент ҚФЙ қишлоғи. | Объект 1981 йилда ишга туширилган, эгаллаб турган ер майдони 45123,30 кв.м.,бино ва иншоотлар майдони 2107,48кв.м. Оромгоҳ бинолари фундаменти блокдан, деворлари бетон плитадан, том қисми темир бетон плита билан ёпилган.Устки қисми шиферланган,бинонинг ички бўлимлари ғиштдан,пол қисми ярми бетондан ярми ёғочдан. | 116 957 000 |
| 2 | Вобкент туманидаги "Пахтаой" болалар боғчаси филиали | Вобкент тумани халқ таълими бўлими | Бухоро вилояти, Вобкент тумани, қишлоқ " Янгикент" | Объект 1984 йилда ишга туширилган, эгаллаб турган ер майдони 1476 кв.м.Боғча бинолари фундаменти монолитдан, деворлари пишиқ ғиштдан,томи шиферланган,поли асфальтланган,бинонинг ички қисмлари шкатуркаланган. | 15 989 849 |
| 3 | Қоракўл туманидаги 38- сонли "Саодат" болалар боғчаси биноси | Қоракўл тумани халқ таълими бўлими | Бухоро вилояти, Қоракўл тумани, ҚФЙ " Караун" | Объект 1980 йилда ишга туширилган, эгаллаб турган ер майдони 1105 кв.м.,бино ва иншоотлар майдони 385,8кв.м. Боғча бинолари фундаменти монолитдан, деворлари пишиқ ғиштдан, томи шиферланган, поли тахтали, бинонинг ички қисмлари шкатуркаланган. | 20 706 268 |
| 4 | "Гулистон нефт базаси" УК тасарруфидаги "2-сонли АЁҚШ"(Асосий шарти: Фаолият турини сақлаш) | "Гулистон нефт базаси" унитар корхонаси | Сирдарё вилояти,Гулистон тумани, "Деҳқонобод қўрғони" | ЁҚШда оператор биноси,1та бостирма, 2та бензаколонка, ёнгинга қарши резервуар, 2та темир дарвоза, бошқарув пульти ва электрон ҳисоблагичлари мавжуд. Бино 1976 йилда ишга туширилган, эгаллаб турган ер майдони 4007,14 кв.м., бино ва иншоотлар майдони 263,15кв.м. | 82 678 100 |
| 5 | "Гулистон нефт базаси" УК тасарруфидаги "2-сонли АЁҚШ"филиали (Асосий шарти: Фаолият турини сақлаш) | "Гулистон нефт базаси" унитар корхонаси | Сирдарё вилояти,Гулистон тумани, "Деҳқонобод қўрғони" | ЁҚШда оператор биноси,1та контейнер,1та бензаколонка, ёнгинга қарши резервуар, 2та темир дарвоза ҳамда битта омборхона мавжуд.Бино 1999 йилда ишга туширилган, эгаллаб турган ер майдони 4007,14 кв.м., бино ва иншоотлар майдони 263,15кв.м. | 40 049 500 |
| **2010 йил 4 январда "Тошкент шаҳар Муниципал биржа маркази" МЧЖнинг биржа савдоларига чиқарилаётган давлат корхоналари, объектлари (улуш, мол- мулклари) рўйхати** | | | | | |
| 1 | Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 3-уй манзилида жойлашган бино қисми | БФД, Тошкент ш.Миробод тумани , А.Темур шоҳ кўчаси, 14-уй | Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 3-уй. | Бино 1937 йилда ишга туширилган, эгаллаб турган бино қисмининг умумий майдони 286,0 кв.м., фундаменти бетондан, деворлари ғиштдан, ертўласи мавжуд. | 211 735 500 |
| 2 | Сергели тумани, Чоштепа 11-берк кўчаси, 7-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотлар | БФД, Тошкент ш.Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 14-уй | Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Чоштепа 11-берк кўчаси, 7-уй | Бино 1957 йилда ишга туширилган, биноларнинг умумий майдони 871,0 кв.м. ва иншоотлар майдони 78,0кв.м.1 та бино фундаменти бетондан қолганлари фундаментсиз, деворлари шлакоблокдан ва ғиштдан, ертўласи 1 та бинода мавжуд. | 245916790,5 |

**Қўшимча маълумотлар ва саволлар учун "Aktiv Broker" ДК мурожаат қилишингиз мумкин. Тел: 233-27-19, 233-38-69, Email: aktiv_broker@mail.ru, www.gki.uz, gkitorg.uz Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй;ДМҚ Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси тел: 8(372)226-27-86, 226-25-04, 226-08-31. ДМҚ Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси тел:233-35-08.ДМҚ Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси тел: 8(365)223-33-58, 770-04-22, ДМҚ Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси тел: 8(3367) 26-5315,26-53-12.**

**ТАБРИК · ТАБРИК · ТАБРИК · ТАБРИК · ТАБРИК · ТАБРИК · ТАБРИК · ТАБРИК · ТАБРИК · ТАБРИК · ТАБРИК · ТАБРИК**



## Территориальное Управление Госкомимущества по Ташкентской области извещает о проведении 4 января 2010 г. в 11.00 публичной оферты (прямых переговоров) по реализации:

| № | Наименование объекта | Месторасположение | Техническая характеристика объекта | Стартовая цена объекта | Инвестиционные обязательства |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Административное здание (балансодержатель-Рудоуправление № 2 НГМК) | г.Ангрен, поселок Красногорск | 2-х этажное здание общей площадью 858 кв.м. (1960 г.). Конструктивные элементы здания: фундамент ж/бетон, стены кирпичные, крыша шиферная. Здание находится в хорошем состоянии | 115'382'000 сум | развитие предпринимательской деятельности |
| 2 | Здание и сооружения склада (балансодержатель- Рудоуправление № 2 НГМК) | г.Ангрен, поселок Красногорск | Одно этажное здание общей площадью 225 кв.м. (1958 г. ) Конструктивные элементы здания: фундамент ж/бетон, стены кирпичные, крыша шиферная. Здание находится в удовлетворительном состоянии | 30'089'000 сум | развитие предпринимательской деятельности |

### УСЛОВИЯ ПРОВЕДЕНИЯ ОФЕРТЫ:

**1. Место проведения переговоров: в территориальном управлении Госкомимущества по Ташкентской области, расположенном по адресу: 100003, г. Ташкент, пр. Узбекистанский 55. Телефоны:** 259-22-27, 259-22-48, 259-21-18, факс: 259-21-18, **www.gki.torg.uz.**

**2. Условия заключения договора купли-продажи:** Договор купли-продажи заключается не позднее 20 дней со дня проведения торга и подписания протокола о результатах проведения торгов

**3. Окончательные сроки приема предложений:** 4 января 2010 г. до 10.00.

**4. Порядок подачи предложений и перечень документов, предоставляемых участниками:** Предложения претендентов подаются в запечатанных конвертах ( 2 экз.), к ним прилагаются следующие документы::

- Для юридических лиц - копия свидетельства о гос.регистарции, доверенность полномочного представителя, оформленная в установленном законодательством порядке, с приложением копии документа, удостоверяющего личность;
- Для физических лиц - копия паспорта , при участии полномочного представителя также доверенность, оформленная в установленном законодательством порядке, с приложением копии документа, удостоверяющего личность;
- Инвестиционные предложения (акцепт) в запечатанных конвертах (2 экземпляра), включающие в себя предлагаемую сумму выкупных платежей и сроки их внесения, предлагаемую сумму инвестиционных обязательств, формы, срок и и условия их внесения;

**Все листы документов должны быть заверены печатью и подписью претендента! Документы, поступившие после истечения срока приема, не принимаются!**

---

## Давлат Мулки қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси 2010 йил 4 январь куни қуйидаги "Объектлар"ни сотиш бўйича оммавий оферта (сотиш бўйича тўғридан-тўғри музокаралар) ўтказилишини маълум қилади

| № | Объектлар номи | Манзили | Объектнинг техник характеристикаси | Объектнинг бошланғич нархи | Инвестиция мажбурияти |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | НКМКнинг "2-Кон бошқармаси"га қарашли "Маъмурий бино" | Ангрен шаҳар, Красногорск қўрғони | 2 қаватли маъмурий бино 1960 йилда қурилган, умумий майдони 858 кв.м.га тенг. Пойдевори темир-бетон. Девори пишиқ ғиштдан. Том қисми шифер. Бино ҳозирги кунда яхши аҳволда | 115'382'000 сўм | тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш |
| 2 | НКМКнинг "2-Кон бошқармаси"га қарашли "Омборхона" бино ва иншоотлари | Ангрен шаҳар, Красногорск қўрғони | Бир қаватли омбохона биноси 1958 йилда қурилган, умумий майдони 225 кв.м.га тенг. Пойдевори темир-бетон. Девори пишиқ ғиштдан. Том қисми шифер. Бино ҳозирги кунда яхши аҳволда | 30'089'000 сўм | тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш |

### ОММАВИЙ ОФЕРТАНИНГ ШАРТИ:

**Музокаралар ўтказишнинг санаси, вақти ва жойи: 2010 йил 4 январь куни соат 11.00да Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасида, манзил: Тошкент шаҳар, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55 уй. Телефон:** 259-22-27, 259-22-48, 259-21-18, **факс:** 259-21-18. **www.gki.torg.uz .**

Олди-сотди шартномасини тузиш шарти: савдо ўтган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида тузиладиган олди-сотди шартномасини имзолаш

Таклифларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2010 йил 4 январь куни соат 10.00 гача

Офертада иштирок этиш учун таклифларни топшириш тартиби ва лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати: **Таклифга илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати:**

- юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;
- жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;
- таклиф этилаётган сотиб олиш қиймати, унинг тўлаш муддатлари, таклиф этиладиган инвестиция миқдори, унинг киритилишининг мақсади, муддати ва шартлари кўрсатилган, муҳрланган конвертга солинган (2 нусхада) инвестиция таклифи (акцепт).

**Ҳужжатларнинг ҳар бир варағи талабгорнинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланиши лозим!**
**Таклифларнинг қабул қилиш муддати ўтганидан сўнг олиб келинган таклиф қабул қилинмайди!**

---

## УВАЖАЕМЫЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛИ И ИНВЕСТОРЫ!

**Территориальное Управление Госкомимущества по Ташкентской области Объявляет о проведении конкурса по реализации государственных объектов по нулевой выкупной стоимости с принятием инвестиционных обязательств** согласно постановлению Президента РУз от 20 июля 2007 года № ПП-672 «О мерах по дальнейшему углублению процессов приватизации и активному привлечению иностранных инвестиций в 2007-2010 гг.».

**Торги проводятся еженедельно по понедельникам в здании хокимията Ташкентской области по адресу: г.Ташкент, Мирабадский р-н, ул. Мовороуннахр 19.**

**К участию в торгах приглашаются физические и юридические лица, включая нерезидентов РУз** (иностранных инвесторов).

**Срок предоставления конкурсных предложений** на рассмотрение конкурсной комиссии (в запечатанном конверте) − не позднее чем за 3 дня до даты торгов.

**Конкурсное предложение должно содержать**: бизнес-план, инвестиционную программу (проект) с указанием сроков ее выполнения, поставки оборудования (если такое предусмотрено), его технологических параметров, планируемого ассортимента выпускаемой продукции и ее конкурентоспособности, сырья, мероприятий по повышению эффективности производства, использования имеющегося оборудования и производственных площадей, ожидаемого экономического эффекта, другие обязательства и планы по финансово-экономическому оздоровлению или восстановлению хозяйственного использования его территорий, документы, подтверждающие платежеспособность (наличие активов, в т.ч. денежные средства, в совокупности составляющие не менее установленного минимального объема инвестиций со стороны инвестора)

| № п/п | Наименование предприятий, объектов | Месторасположение | Порядок реализации | По профилю деятельности | Минимальный объем инвестиций (млн. сум) | Сроки выполнения инвестиций |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | **Еженедельно по понедельникам** | | | | | |
| 1 | 4-х этажное здание общежития (балансодержатель – хакимият Бостанлыкского района) | Бостанлыкский район | Целиком, как имущественный комплекс | С сохранением профиля деятельности | **500,0** | 15 мес |
| 2 | Незавершенное строительством здание 4-х этажного жилого дома № 15 (балансодержатель – хокимият г,Ангрена) | г.Ангрен | Целиком, как имущественный комплекс | С сохранением профиля деятельности | **350,0** | 1 год |
| 3 | Незавершенное строительством здание детского сада на 140 мест (балансодержатель – хакимият Аккурганского района) | Аккурганский район, хозяйство Конка | Целиком, как имущественный комплекс | С сохранением профиля деятельности | **500,0** | 15 мес |
| 4 | Незавершенное строительством здание детского сада на 90 мест, ул.А.Навоий мест ( балансодержатель – хокимият Аккурганского района) | Аккурганский район, хозяйство Конка | Целиком, как имущественный комплекс | С первоочередным преимущественным правом организации производства или услуг | **350,0** | 1 год |

**Справки по телефонам: 259-21-56 (и.о. начальника отдела приватизации Ж.Шахобиддинов), 259-22-18 (начальник отдела реализации А.Марифов) сайт WWW.GKI.TORG.UZ или письменно по адресу: 700003, г.Ташкент, проспект Узбекистанский, 55.**

---

*Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!*

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси Ҳанифа Каримходжаевага ўғли
**Рустам ЖАББОРХЎЖАЕВ**нинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Сурхондарё вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Музаффар Маматмуротовга падари бузруквори
**Раҳим МАМАТМУРОТОВ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

**ТУЗАТИШ:**

Газетанинг 26 ноябрь (№48) сонида берилган «Түйдан қайтмаган йигит» сарлавҳали мақола охиридаги «Каттақўрғон туман прокурори» жумласи «Каттақўрғон туман прокуратураси терговчиси» деб ўқилсин.

**Huquq** yuridik gazeta

Ta'sischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: *Jahongir MAKSUMOV*

Tahrir hay'ati: Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV *(Bosh muharrir o'rinbosari)*, Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53.
Faks: 233-64-85, 233-10-53.
E-mail: info@huquq-gazeta.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2007 yil 22 yanvarda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Nashr ko'rsatkichi – 231
ISSN 2010-7617

Buyurtma j-8513. 16 890 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Sahifalovchi-dizayner: S.BOBOJONOV
Navbatchi muharrir: G. HOJIBOYEVA
Navbatchi: O`.DEHQONOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoi ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 22.30 1 2 3 4 5 6 7 8 9